Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 305 (13.261).
30 ДЕКАБРЬ 1965 йил
ПАЙШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ПЛАН МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРИЛДИ

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

* * *

Қора металлургия ходимлари қора металлар ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар. Чўян ва пўлат эритиш плани 27 декабрда, тайёр прокат ишлаб чиқариш плани 29 декабрда, темир рудаси қазиб чиқариш плани 23 декабрда бажарилди.

* * *

Рангли металлургия ходимлари мис, қўрғошин, рух, никель, титан, магний ва бир қанча бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар.

* * *

Темир йўл транспорти ходимлари юк обороти ва юк ташиш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар. Тошкўмир, нефть юклари, қора металлар, руда ва минерал ўғит ташиш плани муддатидан олдин бажарилди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва юк ташиш таннархини камайтириш топшириқлари бажарилди.

Сўнгги соатда

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети президиумининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг 1966 йил 3 январда Гаванада очиладиган биринчи бирдамлик конференциясига Совет Иттифоқида қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида, ахборот тингланди.

Президиум шуни қайд қилдики, Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқлари бирдамлигининг биринчи конференцияси чақирилишини бутун совет жамоатчилиги яқдиллик билан маъқуллади ва қизғин қувватлади. Президиум конференцияга кўмаклашувчи совет комитетининг фаолиятини маъқуллади.

●

ВЬЕТНАМ ИНФОРМАЦИЯ АГЕНТЛИГИ ОЗОДЛИК АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИГА ТАЯНИБ, ҚУЙИДАГИЛАРНИ БИЛДИРАДИ: ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ ОЗОДЛИК АРМИЯСИНИНГ ЖАНГЧИЛАРИ ВИНЬДИНЬ ВИЛОЯТИДА 18 ДЕКАБРДАН 20 ДЕКАБРГАЧА ОЛИБ БОРИЛГАН УЧ КУНЛИК ЖАНГ ДАВОМИДА ДУШМАННИНГ 500 ГА ЯҚИН СОЛДАТИНИ САФДАН ЧИҚАРДИЛАР. БУЛАРНИНГ 376 ТАСИ АМЕРИКАЛИК ВА ЮЗДАН КЎПРОҒИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИДИР.

●

Мурманск областининг «Апатит» комбинатида иккинчи саралаш фабрикасининг тўртинчи, охирги навбати ишга туширилди. Фабрикининг иккинчи навбати йилига 1 миллион 200 минг тонна апатит концентратини тайёрлаб бера олади. Шундай қилиб, фабрикининг лойиҳада кўрсатилган қуввати ўзлаштирилди.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Узбекистон ССР Давлат савдоси ходимлари 1965 йил учун белгиланган 1.687 миллион сўм миқдоридаги чакана товар обороти планини муддатидан уч кун олдин — 28 декабрда бажардилар.

Товар оборот ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 12 процент кўпайди. Республика шаҳарларининг аҳолисига 1964 йилдагига нисбатан 160 миллион сўмлик кўп ҳар хил озиқ-овқат ва саноат товарлари сотилди.

●

«Средазтепломонтаж» трестига қарашли корхоналарнинг коллективлари йиллик плачни муддатидан олдин бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Трестнинг ҳамма бошқармалари етти йилликнинг охирги йили топшириғини бажардилар.

Трест монтажчилари ўтган йили кўпгина яхши ишларни қилдилар. Республиканинг турли корхоналарида олти минг квадрат метрдан кўпроқ махсус иссиқ том қурилди. Трубопроводларда ва саноат ускуналарида 80 минг кубометрдан зиёд теплоизоляцион конструкциялар монтаж қилинди. Саккиз юз минг квадрат метр бинокорлик конструкциялари ва ускуналар кислотага бардош берувчи ва химиявий моддалардан ҳимоя қилувчи қопламалар билан ёпилди. Фарғона ТЭЦда 150 метр узунликдаги темир-бетон қувур қурилди.

Трест корхоналарининг коллективлари йил охиригача планга қўшимча суратда 100 минг сўмликдан кўпроқ ҳар хил қурилиш-монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олдилар.

●

Узбекистондаги пахта заводлари етти йиллик бошидан буён пландан ташқари икки юз минг тоннадан кўпроқ тола ишлаб чиқардилар. Тўқимачилар ана шу «оқ олтин» тоғидан ер шарини экватор бўйлаб эллик марта ўраш мумкин бўлган миқдорда газлама тайёрлайдилар.

Пахта тозалаш заводларининг коллективлари етти йиллиннинг охирида катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Улар йиллик планни бажариб, декабрь ойининг охиригача топшириққа қўшимча суратда камида 50 минг тонна тола ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

Сурхондарё области. Сариосиё районидаги «Янги рўзғор» колхозида ерларни шудгорлаш барвақт ва сифатли тугалланди. Суратда бу ишда жонбозлик кўрсатган механизаторлардан (чапдан ўнгга): Х. Каримов, Р. Абдуллаев, Б. Тошмирзаев, С. Мўминов ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

ПАХТАКОРЛАР КЎКЛАМГА ШАЙЛАНМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОНДА декабрь ойида қиш қишлигини қилмади. Бутун ой давомида кунлар илиқ, серқуёш бўлди. Баҳор қандай келаркин? Тасодифларга қўникиб қолган республика пахтакорлари ҳосил учун янги курашни олдиндан пухта ўйлаб бошламоқдалар. Далаларда худди ёз ойларидаги каби моторлар гуриллаб турибди, одамлар кўп. Ахир суғориладиган деҳқончилик мавсумий иш эмас, йилнинг ҳар қандай фаслида ҳам тинимсиз меҳнат қилишни талаб этади.

Муҳим, сира кечиктириб бўлмайдиган ишлар жуда кўп. Ҳозир бу ишлар айниқса масъулиятли. Чунки республика деҳқонлари янги йилда 1965 йилдаги ютуқларни мустаҳкамлабгина қолмай, ундан ҳам улканроқ натижаларга эришишга қатъий аҳд қилганлар. Бу эса осон иш эмас. Шуни эслатиб ўтиш ўринлики, Узбекистон пахта ҳосилдорлигини сезиларли даражада оширди ва ўтган кузда мамлакатга рекорд миқдорда — 3 миллион 900 минг тонна пахта топширди. Сабзавот, шоли, қорақўл тери, пилла, жун ва бошқа маҳсулотлар харид қилиш давлат план-заказлари ошириб адо этилди. Кўпчилик колхоз ва совхозлар гўшт ва сут тайёрлаш планларини муддатидан олдин бажардилар.

Ана шундай маррадан олдинга қараб яна қадам қўйиш унчалик осон иш эмас. Фақат илҳомбахш, ижодий меҳнатнинг баҳорни ҳар тарафлама пухта тайёргарлик билан кутиб олишга ёрдам беради. Бу ўринда гап одатдаги мавсумий ишларни бажариш тўғрисида эмас, (бу ишларни бажариш зарурлиги ўз-ўзидан маълум) ишлаб чиқариш маданиятининг янги босқичи тўғрисида, қишлоқ хўжалигини табиат инжиқликларининг зararли таъсирларидан халос қиладиган омиллар тўғрисида бормоқда. Ана шу жиҳатдан суғориладиган деҳқончилик агротехникаси биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Ана шу соҳада баъзи ишлар қилинди. Тупроқни экишга тайёрлаш процессини олиб кўрайлик. Бу процессининг ҳосилдорликка таъсири каттадир. Лекин ҳамма ҳам ерларни ўз вақтида ҳайдаш ва ўғитлашга, текислаб қўйишга муваффақ бўлавермаган. Бу муҳим ишга алоҳида эътибор билан қаралди. **Янги ҳосил учун замин тайёрланиб, 1 миллион 600 минг гектарга яқин, яъни ўтган йил декабрнинг охиригача ҳайдалганидан икки баравар кўпроқ ер шудгорлаб қўйилди.**

Бунга қандай қилиб эришилди? Бунга далаларни тозалаш ва ҳайдашнинг конвейер усули деб аталган янги технология туфайли эришилди. Пайкаллар ҳосилдан тозаланиши биланоқ, у ерга ғўзапоя юлиш, ташиб чиқариш, ўғитлаш ва ҳайдаш учун машиналар комплекси юборилди. Техникани бир жойга тўплаб ишлатиш ўз афзалликларини кўрсатди. Ҳар бир участка бир-икки кун ичида ҳайдаб бўлинди, ҳайдов агрегатларининг иш унуми бу агрегатлар якка ҳолда ишлаганига нисбатан бир ярим-икки баравар ортди.

Конвейер усули жумладан, Тошкент области хўжаликларида шудгорлашни декабрнинг дастлабки кунларида тугаллаш имконини берди. Бу усул Андижон областидаги «Савай» совхозида ҳам ҳал қилувчи роль ўйнади. Бу совхозда ҳосил кеч етилди. Йиғим-терим ишлари чўзилиб кетди. Аммо янги технология совхозга областда биринчи бўлиб далаларни тозалаш ва ҳайдаб қўйишга имкон берди.

Кўпгина хўжаликлар конвейер усулини жорий этиб, трактор паркидан икки-уч сменада фойдаланишни ташкил этдилар. Андижон область, Задарё районидаги «КПСС XX съезди» колхозида тракторларга чироқлар ўрнатилди. Техника ишлаётган жойда кўчма ремонт устаҳоналари навбатчилик қилиб турибди. Тунда механизаторлар учун иссиқ овқат тайёрланади. Тракторчиларнинг кечаси ишлаган соатларига қўшимча ҳақ ёзилади. Ака-ука Жаҳонбой ва Отажон Йўлдошевлар чироқ ёқиб ер ҳайдаб, смена нормаларини ошириб бажарибгина қолмай, иш сифатининг ҳам юқори бўлишига эришмоқдалар.

ШЎР ЮВИШ ва яхоб беришда ҳам кўпгина янгиликлар қўлланилмоқда. Яқинда тажрибали механизаторлар ва сувчилар «Пахтаорол» совхозига область семинарига боришди ва пайкалларни суғоришга тайёрлашнинг энг прогрессив усулларини намойиш қилиб кўрсатишди. Пол оладиган машинадан кейин полнинг бурчакларини созлайдиган мослама ҳамманинг эътиборини ўзига тортди. Бу мосламани қўлланиш полларни созлаш каби кўп меҳнат талаб қиладиган ишни осонлаштиради. «Малик» совхозида семинар қатнашчилари пол оладиган янги техника билан муфассал танишдилар.

Сирдарё области деҳқонлари «Пахтаорол» ва «Малик» совхозларининг тажрибасидан фойдаланиб, шўр ювиш ишларини кенг миқёсда механизациялаштирмоқдалар. Бу иш кечаю-кундуз давом эттирилади. Ҳақ тўлашда фақат бажарилган иш ҳажми эмас, балки ишнинг сифати ҳам эътиборга олинади. Пахтаорол районидаги «Коммунизм» колхозида илғор усуллар жорий этилиб, шўрланган далаларга кечаю-кундуз сув оқизилмоқда. Биринчи шўр ювиш колхозда яқин кунлар ичида тугалланади. Бухоро, Хоразм ва бошқа областларнинг хўжаликлари ҳам ерларнинг шўрланишига қарши курашда ишларни мумкин қадар кўпроқ механизациялаш йўлига чиқиб олдилар. Бундан асосий мақсад — шўр ювишни сифатли ўтказиб, бу ишни баҳоргача тугаллаш, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам чигитнинг бир текис униб чиқиши ва ниҳолларнинг нормал ўсиши учун шароит яратишдир.

Ариқлар ва коллектор-зовурларни тозалаш, шунингдек янгиларини қазиш ишлари ҳам ана шу мақсадга бўйсундирилган. Бу ишларнинг ҳажми миллионлаб кубометр тупроқ чиқариш, юз минг кубометрлаб бетон ва темирбетон ётқизиш билан ўлчанади. Машиналар ёрдамида мураккаб ишлар ҳам тез ва соз бажарилмоқда.

Яқинда мен Хоразм областидаги Хива районида бўлдим. У ерда ирригация тармоқларини тозалаш ва реконструкция қилиш тугалланган. Ўн экскаватор ва бульдозерларнинг кичик бир отряди 19 та хўжаликлараро йирик суғориш тармогини бир неча ҳафта ичида тозалаб, шўр ерларни ювиш учун сув очишга созлаб қўйган. 510 километрли ана шу суғориш тармоғидан 900 кубометрдан ортиқ тупроқ қазиб чиқарилди. Каналлар ва ариқлар чуқурлаштирилди, қирғоқ жойлари тўғриланди, эндиликда улардан олдингига нисбатан анча кўп сув оқади. Хозир техника коллектор-зовурларни тозалашга сафарбар қилинмоқда. Кўпгина хўжаликларда зовурлар узайтирилянти.

Ирригация ва мелиорация тармоқларини кенгайтириш ва такомиллаштириш юзасидан қатъият ва изчиллик билан олиб борилган ишлар Хоразм деҳқонларига сўнгги ўн йил ичида пахта ҳосилдорлигини икки баравар ошириш ва бу йил ҳосилдорликни ҳар гектар ҳисобига 35 центнерга етказиш имконини берди.

Хоразм областининг тажрибаси республиканинг бошқа районларида кенг жорий этилмоқда.

ЎЗБЕК деҳқонлари яна бир муҳим проблемани — сувнинг ерга сингиб кетишига қарши курашни тўғри ҳал қилдилар. Маълумки, сувнинг ерга сингиб кетиши натижасида қимматбаҳо сув исроф бўлади. Фақат сув исроф бўлибгина қолмай, бундай жойларга яқин бўлган далалар захлаб кетади ва шўр босади. Ана шунга қарши курашнинг энг ишончли усули канал ва ариқлар остига бетон ётқизишдир. Хозир кўпгина хўжаликлараро ва магистрал каналларга бетон ётқизилмоқда.

Фарғона областидаги «Ғаниобод» совхозида «Нурсух» каналини бетонлаш тугалланди, Қўшқўноқ канали ирмоқларига ҳам бетон чопон кийдирилмоқда. Янги мавсумда ана шу каналлардан келадиган сув учдан бир баравар кўпаяди. Самарқанд ва Тошкент областлари хўжаликларида ҳам сувнинг тупроққа сингиб кетишига қарши кураш авж олдирилди.

Республика хўжаликлари 1966 йилда 55 минг гектар янги ерни оборотга киритадилар. Бу йил фойдаланишга топширилган ерлар каби, 1966 йилда ўзлаштириладиган ерларда ҳам мўл ҳосил етиштириш учун ҳамма шарт-шароит бўлади. Фақат Мирзачўл зонасининг ўзидагина 322 километр темир-бетон новариқ, 47 километр қувур, минг километрдан ортиқ ёпиқ горизонталь ва вертикаль зовур қурилади, 70 та қудуқ қазилади.

Хозир уруғлик ажратиш ва саралаш ишлари бажарилмоқда, Янги перспектив навлар шу навларни етиштириш учун энг қулай тупроқ-иқлим шароити мавжуд бўлган жойларга экилади.

ХЎЖАЛИКЛАРДА ҳозиргача қилинган ишлар ва баҳоргача бажарилиши зарур бўлган ишлар республика партия ташкилотининг, суғориладиган деҳқончилик илмий ходимларя ва мутахассисларининг ижодий ишидан, Узбекистон қишлоқ меҳнаткашларининг келгуси йилда ҳар қандай тасодиф ва қийинчиликларга қарамай, мўл ҳосил етиштиришга интилаётганликларидан далолат бериб турибди.

Пахтакорларнинг қўклам тараддуди ҳақидаги яхши таассуротни, афсуски, айрим хато ва камчиликлар ҳиралаштирмоқда. Қашқадарё областида тракторлар ремонти суръати жуда суст, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона областларида ерларни ҳайдаш кечиктириб юборилган, айрим жойларда яхоб беришга бепарволик билан қаралмоқда. Иш сифати ҳамма жойда ҳам контроль қилинмоқда, деб бўлмайди. Бухоро районидаги «Бухоро» совхозида ерлар ўғитланмасдан, 15 сантиметр чуқурликда ҳайдалмоқда.

Бухоро областидаги Когон, Ромитан районларидагі хўжаликларда ҳам агротехника ана шу тарика бузилаётганлигини учратиш мумкин. Бу районларда анча майдондаги ғўзапоя ҳали ҳам йиғиштириб олинмаган, меҳнат яхши ташкил этилмаганлиги оқибатида ҳар бир тракторнинг кунлик бажарган иши 2,5-3 гектардан ошмаяпти. Бирмунча хўжаликларда маҳаллий ўғит тайёрлаш сust бораяпти. Масалан, Қоракўл районида далага гўнг чиқариш плани атиги 15 процнет бажарилди.

Ерларни зararли тузлардан тозалаш учун ҳозирнинг ўзидаёқ насосларни ишга солиш керак. Аммо пропеллерли насосларни тайёрлашга ҳамма жойда ҳам етарли даражада эътибор берилянти деб бўлмайди. Кўпгина устаҳоналарда сеялкалар ва бошқа тиркама ва осма ускуналар ремонти бошланган эмас. Техникани ремонт қилиш учун запас қисмлар етишмаётганлиги тўғрисида районлардан баъзан сигналлар келиб турибди.

...СЕРҚУЁШ Узбекистонга баҳор барвақт келади. Республика колхоз ва совхозларида экишга пухта тайёргарлик кўриш учун барча шарт-шароит мавжуддир. Суғориладиган ҳар гектар ерда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришнинг таъминлаш зарур.

А. УЗИЛЕВСКИЙ,
«Сельская жизнь» мухбири.
(«СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ», 29 декабрь).

ЮКСАК МУКОФОТ

Республика меҳнаткашлари хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлар учун СССР Олий Совети Президиуми Грузия Совет Социалистик Республикасини Ленин ордени билан мукофотлади. (ТАСС).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОСТАВИДА ЯНГИ РАЙОНЛАР ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва меҳнаткашлар депутатлари область Советлари Ижроия комитетларининг илтимоси қондирилсин — халқ хўжалигига раҳбарликни қучайтириш ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Узбекистон ССР составида қуйидаги районлар тузилсин:

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДА

ТАХТАКЎПИР РАЙОНИ — марказ Тахтакўпир овули. Бу район составига Чимбой районидаги Карл Маркс номли, Ленин номли, Калинин номли, Тахтакўпир ва Москва овул Советларининг территорияси қўшилсин.

БУХОРО ОБЛАСТИДА

КОНИМЕХ РАЙОНИ — марказ Конимех шаҳар посёлкаси. Бу район составига Конимех шаҳар посёлкаси, Навоий районининг «Коммунизм», «Октябрь 40 йиллиги», Ромитан районининг Жонгелди ва «Узбекистон 40 йиллиги» қишлоқ Советлари қўшилсин.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДА

БОЙСУН РАЙОНИ — марказ Бойсун қишлоғи. Бу район составига Бойсун, Сайроб қишлоқ Советлари ва Шеробод районидаги «Шеробод» совхозининг ери чегарасидаги Сиплон қишлоқ Совети территориясининг бир қисми, шунингдек Шўрчи районидаги «Узбекистон» совхози ерининг чегарасидаги Шўрчи қишлоқ Совети территориясининг бир қисми қўшилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1965 йил 29 декабрь. Тошкент шаҳри.

ЮКСАК МУКОФОТ

УРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СССРДАГИ ЭЛЧИСИ КИМ БЕН ДИКНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Корея Халқ Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси ўртоқ Ким Бен Дикни унинг илтимосига мувофиқ 29 декабрда қабул қилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан ўртоқ Ким Бен Дик ўртасида самимий ва дўстона вазиятда суҳбат бўлди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Республика театр санъатини ривожлантириш сохасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Узбекистон Театр жамияти раисининг ўринбосари Раҳим Мажидович **Қориев** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Республика матбуотида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан «Правда Востока» газетаси редакцияси хатлар бўлимининг мудири Клавдия Яковлевна **Кузнецова** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Партия, совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг илмий ходими Шариф Ибадуллин **Бўлатов** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Республика матбуотини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан «Бухоро ҳақиқати» область газетасининг редактори Облоқул **Эгамов** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Тошкент область партия Комитетининг пленуми

Кини кеча Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум Тошкент область партия ташкилотларининг республика партия активи йиғилишининг ёшларни гоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашни кучайтириш чоралари тўғрисидаги қарорини қандай бажараётганликлари тўғрисида область партия комитети секретари Ҳ. Р. Мусахонованинг докладини муҳокама қилди.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. (ЎзТАГ).

ЁШЛАРНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

МОСКВА, 28 декабрь. (ТАСС). ВЛКСМ Марказий Комитетининг VIII пленуми бугун ўз ишини тамомлади. Пленум ёшларни революцион, жанговар ва меҳнат традицияларида руҳида тарбиялаш масалаларини муҳокама қилди. Инсоннинг маънавий гўзаллиги Ватанга муҳаббат, оталар ишига садоқат, халқ манфаати йўлида фидокорона меҳнат қилишга тайёр турганлик билан ўлчанади. Новосибирск область комсомол комитетининг биринчи секретари Б. Владимиров, машҳур папанинчи қутбчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Э. Кренкель, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат Хавфсизлиги комитетининг раиси В. Е. Семичастний, СССР Ёшлар ташкилотлари комитетининг раиси П. Решетов музокаларда ана шу юксак маънавий мезонлар тўғрисида гапирдилар. Пленумда ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Павлов нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг VIII пленуми қатнашчилари қураётган Вьетнам билан бирдамлик резолюциясини яқдиллик билан маъқулладилар.

Пленум комсомолнинг навбатдаги XV съездини 1966 йилнинг 17 майда чақиришга қарор қилди.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Х. С. Сулаймонованинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг истакларини эътиборга олиб, Узбекистон ССР Олий судининг собиқ раиси, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, юридик фанлари доктори, профессор Хадича Сулаймоновна **Сулаймонованинг** хотирасини абадийлаштириш мақсадида қарор қилди. Тошкент суд экспертизаси илмий-текшириш институти ва Андижондаги 2-ўрта мактабга Х. С. Сулаймонова номи беришга қарор қилди. Тошкент шаҳар ижроия комитетига Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Х. С. Сулаймонованинг номини қўйиш топширилди. Узбекистон ССР Фанлар академиясига 1966 — 1967 йилларда Х. С. Сулаймонованинг асарларини нашр этиш вазифаси юклатилди.

ТАСС АХБОРОТИ

«КОСМОС-103»

1965 йил 28 декабрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-103» учирилди. Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош баландлиги 600 километр, орбитанинг оғиши 56 градус ва айланиш даври 97 минут бўлган доирага яқин орбитага чиқарилди.

Йўлдош ичида илмий аппаратлардан ташқари орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема ва приборлар ҳамда илмий аппаратларнинг иши ҳақидаги маълумотларни Ерга бериб турувчи радиотелеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган аппаратларни ишлаб чиқмоқда.

ЧАРОҒОН ҚИШЛОҚЛАР

1954 йилнинг бошлари эди. Избоскан районидаги «Шарқ юлдузи» колхозида электромонтер бўлиб ишлар эдим. Движок ёқиб хонадонларимизга электр нури юборардик. Генераторнинг қувватини айтсам, балки ишонмассиз. Ишонмасликка ҳаққингиз ҳам бор. Чунки у даврларни қишлоқларни электрлаштиришнинг ҳозирги суръатига қиёс этадиган бўлсак, ер билан осмонча фарқ бор. Движокнинг қуввати бор-йўғи 28 киловатт эди-да. Ҳозир Тошкент ГРЭСида, Навоий ГРЭСида ишлаётган энергетиклар, бичокорлар даврининг буюк иншоотларини барпо этишяпти. Ҳозирги суръат олдида 50 йиллардаги ишлар анча суст кўринса ҳам, лекин ўша йиллардаги ишларимиз, уринишларимиз, ҳаракатимиз бўлмаганида бугунги натижаларга эришармидик.

Районимиз электр тармоқлари корхоналарининг аъзоматлари «Узсельэлектросетстрой» трестининг биринчи қурилиш-монтаж бошқармаси бинокорлари билан ҳамкорликда самарали ишлаб, республикада биринчи бўлиб, колхоз ва совхозларимизни батамом электрлаштирдилар. Райондаги 21 колхоз ва икки совхоз Ильич нуридан баҳраманд бўлди. 21 минг хонадонда электр лампочкалари порлаб турибди.

Райондаги хўжаликларга йилига 62 миллион киловатт-соат электр энергияси етказиб беришга қодир бўлиб қолдик. Кўпгина колхозлар, жумладан Дмитров номли, «Ленинград» колхозлари, Киров номли совхоз, ипакчилик совхози коллективлари ўз хўжаликларини электрлаштиришга катта ғайрат билан киришиб, ҳаммага намуна бўлдилар. 1965 йилда 32 километр узунликда электр узатиш линиялари қурилди. 400 километрга яқин линиялар ремонтдан чиқарилди. Шу йилнинг ўзидаёқ 600 хонадонга электр туширилди.

АНДИЖОН ОБЛАСТИДАГИ ХЎЖАОБОД РАЙОНИГА ҚАРАШЛИ ҲАММА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАР ЕППАСИГА ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛДИ

Район қишлоқларини электрлаштиришда жонбозлик билан ишлаган бинокорлар номини фахр билан тилга олиб ўтамиз. П. Шестаков раҳбарлигидаги монтажчилар, Р. Мадраҳимов бош бўлган қурувчилар, П. Жигалов, О. Умаров сингари электромонтёрлар трансформаторларни, линияларни монтаж қилишда ғайрат билан ишладилар. Электр тармоқларини эксплуатация қилишда М. Зайнуллин, Э. Тожихўжаев, Ф. Сотиболдиев каби монтёрларимиз баракали ишламоқдалар.

Янги йил оқшомида Хўжаобод районидаги қишлоқларда минг-минглаб чироқлар порлаб туради. Районимизда Ильич нури порлаган биророта ҳам хонадон қолмади. Янги йилдаги муҳим вазифамиз шуки, энди энергиянинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ҳам кўпроқ жорий этмоқчимиз.

А. ИСОҚОВ,
Хўжаобод район электр тармоқлари бошлиғи.

1966 ЙИЛГА НАЗАР ТАШЛАР ЭКАНМИЗ...

Товарларнинг кўриниши йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Бунда химия асосий ролни ўйнамоқда: сунъий толалар костюм ва куйлакларни рангини айнимайдиган қилади, синтетик плёнкалар плашч ва пальтоларни намдан сақлайди, пойафзал борган сари енгил ва арзон бўлмоқда, трикотаж ўз шаклини ўзгартирмайдиган бўлаётир, бўёқлар янада ёрқин ва чиройли, офтобда ва ёмгирда айнимайдиган бўлиб қолмоқда.

Энг муҳими шуки, товарлар янада кўп ишлаб чиқарилади. Эндиликда магазинларда хилма-хил товарларни кўрамиз. Корхоналар буюмларнинг сифатини яхшилаб, уларнинг турларини кўпайтириб, харидорни хурсанд килиш учун курашмоқдалар.

Енгил саноат қандай марралар сари ривожланиб бормоқда? ТАСС мухбирининг бу саволига СССР Енгил саноат министрлигида қуйидагича жавоб бердилар:

Бу йил ғижимланмайдиган ип-газламалар ишлаб чиқариш 1963 йилгига қараганда 50 процент кўпайтирилди. Пайпоқ ва носкилар тўқиш 6 баравар, плашчлар учун синтетик газламалар ишлаб чиқариш 14 баравар, трикотаж кийимлар тўқиб чиқариш 30 процент кўпайди. Сунъий чарм ишлаб чиқариш ҳам ана шундай суръатлар билан ўсмоқда.

СССР Олий Совети Еттинчи сессиясининг қарорлари халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни кўзда тутади. Келгуси йили совет кишилари 7 миллиард 9 миллион квадрат метр газлама, 1 миллиард донадан кўпроқ трикотаж буюмлар, 510 миллион жуфт пойафзал оладилар. Барча тармоқларда синтетик материаллар — химиявий толалар, плёнкалар ва чармлардан максимал даражада фойдаланилади.

Мамлакатнинг пойафзал корхоналари юмшоқ ва ихчам пойафзалларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқдалар. Бундай пойафзаллар одатдагиларига қараганда анча енгил бўлиб, улар ранги ўчмайдиган синтетик бўёқлар билан бўялади.

Тўқимачилар трицетат газлама тўқиб чиқаришни ўзлаштира бошладилар. Чиройли, шойига ўхшаган бундай газламадан тикилган кийим киришмайди ва чўзилмайди, ювилганда айнимайди ва узоқ вақтгача янгидек кўринади.

Бу йил трикотажчилар калава ва эластик ипларидан 2,5 миллион дона буюм—свитерлар, костюмлар ва жемперлар тўқидилар. Хотин-қизлар тез сўкилиб кетмайдиган неча юз минг жуфт капрон пайпоқ олдилар. Келгуси йили бу рақам янада кўпаяди.

Умумиттифоқ моделлар уйида пальтолар, костюмлар, куйлакларнинг беш мингта янги фасони ишлаб чиқилди. Рассомлар буюмларнинг шаклини яхшилаб сақлаб қоладиган ҳамда кузда ва қишда кийиладиган устки кийимлар моделларини яратишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Сўнгги модаларда тикилган устки кийимларнинг 1200 намунасини баҳорда тикувчилик фабрикалари тайёрлаб беради.

ДЕПУТАТ ВА ЖАМОАТЧИ-ЕН ДАФТАРИГА

МАЪМУРИЙ КОМИССИЯЛАРНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

Кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашда кенг жамоатчиликнинг роли катта. Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари ҳузурида ишлаб турган, халқ вакилларидан иборат тузилган маъмурий комиссиялар фаолиятида буни яққол кўрамиз. Бу комиссия депутатлардан, корхона ва муассасаларнинг катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, чуқур мулоҳазали, мехрибон ҳам талабчан ишчи-хизматчиларидан иборат тузилади. Улар жамоат тартибини бузган, паспорт қоидаларига риоя қилмаган, таъқиқланган касб билан шуғулланган, совет ҳаёт нормаларига тўғри келмайдиган бошқа турли ножўя ҳаракатларни қилган шахсларга кўпинча тарбиявий иш олиб борадилар. Тўғри, юқоридаги хато ва камчиликларга, айб ва жиноятларга йўл қўйган кишиларни бевосита суд жавобгарлигига ҳам тортиш мумкин. Лекин бизнинг халқпарвар, асосий мақсади янгишган, адашган шахсларни тарбиялашдан иборат бўлган партия ва ҳукуматимиз, аввало, ударни виждон олдида, инсоний бурч олдида тартибга чақиришни маъқул кўради.

Шунинг учун ҳам маъмурий комиссиялар ўзларининг инсон тақдирининг тарозибони, жиноятларнинг олдини олишда катта кучга эга кишилар, совет қонунларининг сергак посбонлари, одамлар ҳаётини тўғри йўлга бурувчи раҳнамолардан бири эканликларини чуқур ҳис этган ҳолда иш кўришлари лозим. Бунинг учун, аввало, комиссия йиғилишларини белгиланган кунлари, тайин қилинган соатларда ўтказишлари, йиғилишларга тўла составда келишлари, ҳар бир ариза ва шикоят, сигнал орқасида жонли киши турганини ҳисобга олиб, кечиктирмай, баҳо беришга шошмай кўришлари керак. Шу билан бирга йиғилишга иши кўриладиган кишиларнинг албатта қатнашишига эришиш, унга қилган ишининг хатолигини англатиш, қилмишини ҳалол, фидокорона меҳнат билан оқлаш ҳиссини уйғотиш муҳим вазифадир.

Республикамизда кўп маъмурий комиссиялар ўз олдиларида турган бу муҳим вазифаларни яхши бажараётирлар. Баъзи район, шаҳар ижроия комитетларидаги маъмурий комиссияларнинг фаолиятини эса қониқарли деб бўлмайди. Кўпчилик маъмурий комиссиялар йиғилишида иш жавобгарнинг иштирокисиз кўрилади. Кўп ишлар комунда белгиланган 7 кун давомида ҳал этилмай, ойлаб ҳаракатсиз ташлаб қўйилади, йиғилиб қолгач эса шошма-шошарлик билан юзаки кўриб чиқилади.

Бу эса маъмурий комиссиялар обрўсига таъсир этади, тартиб бузарларга қарши курашнинг таъсирчан бўлишига путур етказади. Жумладан, Тошкент шаҳар Куйбишев район ижроия комитети ҳузуридаги маъмурий комиссия мажлисларида бир йўла бир неча ўнлаб материал кўрилган, белгиланган чоралар айбдорларга, уларнинг иш жойларига етказилмаган. Натижада, кўпгина жарималар айбдорлар томонидан тўланмаган. Бунинг устига маъмурий комиссия кўпгина материалларни тегишли вақтда кўрмасдан, кечиктириб ҳал этган. Сўнгра буни яшириш учун олдинги числолар билан расмийлаштириб, кўзбўямачиликка йўл қўйган. Район ижроия комитети (раиси Ўртоқ М. Камолов) ва прокуратураси, мавжуд камчиликларни кўра-била туриб, тегишли чора-тадбирлар кўрмаган. Бундай ҳолга тезда хотима бериш керак.

Худди шундай камчилик ва хатолар пойтахтимиз Ленин район, Урганч шаҳар ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар фаолиятида ҳам учрайди.

Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми мажлисида район ва шаҳар Советлари ижроия комитетлари ҳузурида ишлаб турган маъмурий комиссияларнинг иши тўғрисида Фарғона область ижроия комитетининг ахбороти эшитилди ва муҳокама қилинди.

Фарғона область ва шаҳар ижроия комитетлари маъмурий комиссиялар олдида турган муҳим вазифаларни амалга оширишда бирмунча ишлар қилган. Ижроия комитетлар мажлисларида, маҳаллий Совет сессияларида бу комиссия фаолияти кўрилиб, мавжуд камчиликлар очиб ташланиб, уларни тузатиш тадбирлари белгиланган.

Бу тадбирлар областда маъмурий комиссиялар фаолиятини анча жонлантирган бўлса ҳам, лекин у ҳали ҳам ҳозирги талабларга тўла жавоб беролмайди. Бу ерда маъмурий комиссиялар социалистик қонунчиликни, жамоат тартибини сақловчи сергак, чаққон, жанговар коллектив орган даражасига кўтарилганча йўқ. Уларнинг фаолиятида ютуқлардан кўра, камчиликлар кўпроқ.

Материалларни вақтида кўрмаслик, уларни йиғиб қўйиб, бир йўла шошилинч тарзда ҳал қилишлик область маъмурий комиссиялари фаолиятида учрайдиган асосий камчиликлардандир.

Шунингдек, баъзи материалларни кечиктириб кўрилиши кўнгилсиз оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Айтайлик, бир кишининг паспортини алмаштириш муддати ўтиб кетган. У бунга совуқконлик билан қараган. Шундай вақтда милиция участка вакиллари таксиясига мувофиқ маъмурий комиссия паспорт эгасига нисбатан бирон чора кўриши, огоҳлантириши лозим бўлади. Маъмурий комиссиялар эса бу материални ўз вақтида кўрмайдилар. Масалан, Фарғона шаҳрида юзлаб материаллардан фақат 21 процента қонунда кўрсатилган муддат ичида кўрилган, холос. Шаҳар ижроия комитети бундай ҳолларга хотима бериш учун эътиборни кучайтириши керак.

Маъмурий комиссиялар ишини яхши йўлга қўйиш жиноятни камайишига хизмат қилибгина қолмасдан, уни аниқлаш ва олдини олишга ҳам ёрдам беради.

Жамоат тартибини бузувчиларга қарши курашда бу комиссиялар ташкилий ишлар ҳам олиб боришлари керак. Улар қайси жойларда, қандай хатоларга йўл қўйилаётганлигини таҳлил этиб, тегишли ташкилот ва муассасаларга буни айтишлари, тегишли тадбирлар кўрилишига эришишлари лозим. Афсуски, республиканинг қатор район ва шаҳарларидаги каби, Фарғона областида ҳам бу иш оқсамоқда.

Кимнингдек, у ёки бу шахснинг ножўя ҳаракати тўғрисида у ишлаётган корхона, муассасасига ҳеч нарса дейишмайди. Ваҳолонки, бу ишни коллектив билиши керак. Айбдор бу билан, иккинчи марта ҳамкасблари шаънига доғ туширмасликни ўйлайди, ўз навбатида коллектив иккинчи шундай ножўя ҳаракатнинг содир бўлмаслигини назорат қилади.

Комиссия чиқарган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Фарғона областда эса бу иш жуда бўш ташкил этилган. Қўқон шаҳрида қонуний солинган жарималарнинг фақат 7,6 проценти ундирилганлигидан буни яққол кўриш мумкин.

Область маъмурий комиссиялари ишида юқоридаги каби камчиликларнинг кўп бўлишига қарамай, область прокуратураси уларни яхшилашга қаратилган бирор чора кўрмаган. Аксинча, уларда бу ишларни, жамоатчилик вакиллари эмас, штатли ходимлар ўз қўлларига олиши керак, деган хато фикр бор. Коммунистик партия Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган декабрь Пленумида партия-давлат контроли органларини Халқ контроли органларига айлантириш, давлат фаолиятида халқ оммасининг янада кенгроқ жалб этилишини таъминлаш вазифаси илгари сурилди. Бу деман, кўп қиррали ҳаётимизда кенг меҳнаткашлар оммасининг тобора кўпроқ иштирок этишига, шу жумладан Советларда жамоатчилик асосларининг кенгайишига эътиборни сусайтирмаслигимиз керак. Жамоатчиларга яқиндан ёрдам беришимиз, уларнинг қудратли кучидан самарали фойдаланишимиз лозим.

Биз бу ерда маъмурий комиссиялар фаолиятида учрайдиган, уларга раҳбарлик қилишдаги баъзи масалалар устидагина тўхтадик. Маҳаллий Совет ижроия комитетларининг прокуратура органларининг вазифаси коммунизм қишисини тарбиялашда муҳим тарбиявий кучга эга бўлган маъмурий комиссияларга лозим бўлган ёрдамни бериб туришдан иборатдир.

Ғ. АБДУМАЖИДОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми юридик бўлимининг мудири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЯНГИ ЙИЛ ЮТУҚЛАРИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1966 йилги пул-буюм лотереясини ўтказиш шартлари ва тартибини белгилади. Лотерея ҳар бири 1.462.500 сўм миқдорида олти марта, яъни жами 8.775.000 сўм миқдорида чиқарилади. Ҳар бир чиқаришдаги лотерея билетлари ҳар бири 292.500 сўмлик 5 разрядга бўлинади. Лотерея билетининг нархи 30 тийин.

Ютуқларнинг умумий миқдори 5.265.000 сўм, яъни билетлар умумий баҳосининг 60 процентига тенг бўлади. Барча олтита чиқаришда 3.592.500 пул ва буюм ютуқлари бўлади.

Ютуқлар орасида 30 та «Москвич» автомашинаси, 90 та «ИЖ-планета» мотоцикли, 60 та пианино, 300 та «Рекорд» телевизори, 1830 та «Днепр», «Саратов-2» холодильниклари, 1800 та гилам, 630 та кир ювиш машинаси, 510 та тикув машинаси, 600 та «Урал» радиоласи, 600 та «Чайка-М» магнитофони, 600 та велосипед, 600 та «ФЭД-2» фотоаппарати, 360 та «Спорт-3» кинокамераси, 300 та стуллар комплекти, 1200 та аёллар ва эркаклар қўл соати, поёндоз гиламлар, жун рўмоллар, «Харьков» электр бритвалари, раскладушкалар, «ВЭ-1» вентиляторлари, будильниклар, авторучка ва қаламлар тўпламлари, жуда кўп миқдорда 25 сўмлик, 10 сўмлик ва 3 сўмлик пул ютуқлари бор.

Ютуқ чиққан лотерея билетининг эгаси ўз хоҳиши билан буюм ўрнига ютуқ баҳосида нақд пул олиши мумкин.

Лотерея билетлари омонат кассаларида, магазинларда, алоқа муассасаларида, театрларда, кинотеатрларда, парклларда, газета киоскаларида, темир йўл станцияларида, вокзалларда, стадионларда сотилади.

Ютуқлар тиражи қуйидагича ўтказилади:

Биринчи чиқариш бўйича — 22 февралда Оҳангарон шаҳрида.

Иккинчи чиқариш бўйича — 24 апрелда Наманган шаҳрида.

Учинчи чиқариш бўйича — 26 июнда Бухоро шаҳрида.

Тўртинчи чиқариш бўйича — 28 августда Урганч шаҳрида.

Бешинчи чиқариш бўйича — 30 октябрда Янгиер шаҳрида.

Олтинчи чиқариш бўйича — 25 декабрда Тошкент шаҳрида.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

Ватан қалам берди, қатга муҳаббат,
Юкламади унга оз ишни!
Ҳаммасини берди ва фақат
Ўргатмади ёмон ёзишни!

«Шарқ юлдузи» журналининг декабрь сонини варақлар экансиз шоир Туроб Тўланнинг «Йўларим ва куйларим» шеърларида юқоридаги сатрларни ўқийсиз.

Бу сонда прозага катта ўрин берилган. Шухратнинг олдинги сонларда босилган «Олтин занглама» романининг охирини ҳам шу сонда ўқийсиз. Пиримқул Қодировнинг «Қора кўзлар» романини, Сайёрнинг «Бир кеча хаёли» қиссасини ўқишингиз мумкин. Ўзбекистонда яшайдиган рус шоирлари ижодидан берилган шеърлар ўзининг хилма-хиллиги ва ёрқинлиги билан ажралиб туради. В. Костирья, А. Иванов, Р. Галимов ва Б. Пармузиналарнинг шеърларида революция, табиат, меҳнат, чет эл темалари жўшқин қалб билан куйланади.

«Меросимизни ўрганамиз» рубрикаси остида берилган Қобил Ориповнинг «Абдулла Авлоний» сарлавҳали материали диққатни ўзига тортади.

ҚАЛБ СЎЗЛАРИ

Газетхонлар хатларидан

Эл-юрт соғлиғининг посбонлари, устоз ўқитувчилар, маданият ходимлари, илм «сирлари»ни қунт билан эгаллаётган студентлар, ўқувчилар ҳақида ёзилган хатлар редакцияга ҳар куни келиб туради. Инсон умрига-умр қўшувчи меҳрибон шифокорларга самимий миннатдорчилик билдирилган хатлар, айниқса, кўп.

Семён Трофимович Кулинич ёшлигиданоқ врач бўлишни орзу қиларди. Орзуга етиш учун Самарқанд медицина институтида ўқиди, уни тугатгач эса ўз хоҳиши билан Қашқадарё областига йўлланма олди. Семён Трофимович институтда олган билимини ҳаёт тажрибаси билан бойитди. Мана, 30 йилдирки, у Шаҳрисабз шаҳар касалхонаси хирургия бўлимининг бошлиғи. Бу давр ичида Кулинич юзлаб беморларни бевақт ўлим чангалидан олиб колди, уларга олам жамолини қайта кўрсатди. Касалхонада унинг Х. Ражабова, З. Ҳалимова, М. Раҳматуллаева, М. Юсупова, С. Тўраев каби кўплаб шогирдлари етишди. Шаҳрисабзлик ўқитувчи З. Аллаев, Ғ. Тўраев, звено бошлиғи М. Курбонов, механизатор И. Йўлдошев ва бошқалар редакцияга юборган хатларида жонкуяр шифокор С. Т. Кулиничга миннатдорчилик билдирганлар.

— Эрбўта Сарибоевни Боёвут районидаги 1- «Боёвут» совхозининг каттадан-кичиги танийди, ҳурмат қиладиган, — деб ёзибди газетхон К. Эшонов. — Чунки у кўп йиллардан бери совхозининг иккинчи бўлимида фельдшер бўлиб ишлаб келяпти. Эрбўта беморларни фақат медицина пунктидагина қабул қилмайди, балки ҳовлима ҳовли юриб, колхозчилар билан медицина темасида ҳар хил суҳбатлар ўтказади.

Тошкент область, Чиноз пахта тозалаш заводининг инженер-технологи Раҳматулла Қодирқуловнинг редакцияга юборган хати ҳам диққатга сазовордир. «Ҳурматли редакция! Уч ёшли ўғлимиз Иззатулланинг кўзи тўсатдан кўрмайдиган бўлиб қолди. Врачларнинг маслаҳати билан уни Қибрайдаги Республика трахома касаллиги диспансерига жойлаштирдик. Шифохонанинг аҳли коллективи Иззатулланинг кўзини қунт билан даволашди. Газета орқали онламиз раҳматномасини меҳрибон коллективга етказсангиз». Юрак сўзлари ёзилган сундай хатларни сурхондарёлик О. Шукуров, самарқандлик М. Раҳматов, С. Шодмонов, тошкентлик В. Холмуродов ўртоқлар ҳам юборишган. Улуг Ватан урушининг II группа ногиронлиги Жўра Мирусмоновнинг хати ҳам кишн қалбини тўлқинлантиради. Жўра ака уруш жароҳати билан кўп йиллар қийналди. У нейнчалик Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий текшириш институтининг тажрибали врачи Ойша Аминова раҳбарлигида К. Қобилов, Ў Отажоновларга мурожаат қилди ва унинг оёғидан осколнани олиб ташлашди. Кўп йиллик дарддан халос бўлди. Фарғоналик М. Мирослонов, сирдарёлик Ю. Абдуалимов, тошкентлик Д. Ўринбосаров, В. Ахроров ўртоқлар ҳам ўз хатларида қалби жаҳон, қўли гул шифокорлар ҳақида ҳикоя қиладилар, уларга раҳматлар айтадилар.

Еш авлод мураббийлари — ўқитувчилар ҳақида ёзилган хатлар ҳам кўп. Иштихон район Лойиш посёлкасидаги 75-мактабнинг химия-биология ўқитувчиси Фарида Урмановна ҳар бир дарсни тажриба асосида ўтказади. Шунинг учун ҳам у раҳбар бўлган V- «А» синф ҳар йили давоматда, ҳам интизомда ҳам олдинда. Фарида опа чорак асрдан беои ёш авлодни тарбиялайди,—деб ёзади она шу хабарни йўллаган Э. Ҳожиқурбонов. — Унинг шогирдлари ҳозирда халқ хўжалигининг барча соҳаларида муваффақиятли ишлаб, устозларининг ишончини оқлашяпти.

Самарқанд область, Хатирчи, Пастдаргом районидаги илғор ўқитувчилар Н. Тожиев, А. Алмаевлар ҳақида газетхон И. Рўзиев, Э. Турсуновлар ёзиб юборишган. Андижон область, Ленин районидан мактуб йўллаган газетхон Т. Аҳмадалиев материалига «Ташаббус кўрсатиб» деб сарлавҳа қўйган. Унда шу райондаги 43-мактабнинг химия ўқитувчиси Жаббарали Акбаров ҳақида миннатдорлик билан ҳикоя қилади. Ш. Жуманиёзов (Қорақалпоғистон АССР), М. Аминов (Хоразм), С. Розиқов, М. Қўқонов (Қашқадарё), Х. Бозоров (Бухоро), О. Каримов (Андижон), С. Султонов (Тошкент) ўртоқлар ҳам коммунистик жамият кишиларини тарбиялаётган моҳир педагоглар — жонкуяр онахонлар, отажонлар ҳақида қалам тебратганлар.

Бухоро райони хўжаликларида тракторларнинг бекор туриш ҳоллари нескин камайиб кетди. Дарҳақиқат, «Узсельхозтехника»нинг район бирлашмасида радиостанциянинг ишга туширилиши бу ўринда муҳим роль ўйнамоқда. Радиостанция хўжаликлардан бирор машина бузилиб қолганлиги тўғрисидаги «заказ»ни қабул қилгач, радиоустановка билан жиҳозланган техника хизмати кўрсатувчи махсус автомобиль йўлга чиқади. Бу эса бирор сабаб билан тўхтаб қолган тракторни тезда тузатилиб, яна бепоён далаларда меҳнат тортишида муҳим восита бўлаётир. Суратда: «Маданият» колхозининг бригада механиги ўртоқ Бек Маҳмудов. У радио орқали техника ёрдами кўрсатилишини сўрамоқда.

А. Усмонов фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚЎРИҚ ЕР БУЮРТМАЛАРИ

Ўрта Осиё совхозлар қурилиши «Промстройматериали» трести корхоналари Мирзачўл ва Қарши даштларини забт этувчиларни зарур қурилиш материаллари билан таъминлаб, маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини бажардилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан қарийб эллик процент кўпайди. Силикальцит буюмлар беш баравардан зиёд, сопол дренаж трубалар 81 процент, йиғма темир-бетон 45 процент кўп ишлаб чиқарилди. Маъданмас қурилиш материаллари чиқариш 600 минг куб метр кўпайди.

Қисқа вақт ичида ирригация ва мелиорация ишлари учун тарновлар ва сопол, темир-бетон трубалар, қозиқлар ва темир-бетондан ясалган кўприк элементлари, шунингдек уй-жойлар қуришда ишлатиладиган силикальцит блоклар тайёрлаш ўзлаштирилди. (ЎзТАГ).

«КИЧКИНА» ОҚСОҚОЛ

«Политотдел» колхози идора ходимлари Ҳасан Ўтегеновнинг номини тез-тез тилга олишади.

Колхознинг «Коммунизм» участкасида Ҳасан Ўтегенов аралашмаган иш йўқ. Биз участка ҳисобчиси Ўтегенов ишлаётган хонада ўтирибмиз. Ёзув столида бир қанча ёзишмалар турибди. Уларга кўз югуртирдик. — Пенсия, уй ремонти, хулқ-атворни муҳокама қилиш, партия йиғилиши ўтказиш, депутатлар билан суҳбатлашиш каби масалалар...

Шу пайт хонага бир киши кириб келди.

— Бизнинг бригададан уч киши пенсияга илинмай қолибди, шуларни ҳисобга олсангиз, — деди у.

Ҳасан Ўтегенов бригадирнинг илтимосини ён дафтарига ёзиб қўяди.

— Участкамизда ирригация ишларини кўздан кечиришимиз керак, иложи бўлса комиссия тузсак, — дейди участка мироби Тоғаймурод Турсунбоев. Ўтегенов унинг ҳам илтимосини қондириб, хурсанд қилиб жўнатди.

Ҳисобчи ўзининг асосий ишини бажонидил бажариш билан бирга мана шундай «ишир-чикир» ишлардан ҳам зерикмайди. Шунинг учун бўлса керак участка аҳолисининг каттадан кичигигача уни ҳурмат қилади. У ҳакда гап борганда меҳнаткашлар «бизнинг кичкина оқсоқолимиз» дейишади. Тўй ҳам, аза ҳам унинг иштирокисиз ўтмайди.

Қишлоқ Советининг депутати Х. Ўтегенов доим сайловчилар ҳакида қайгуради, уларнинг иншоотларини бажо келтиришга кўпроқ ғайрат ажратади.

Ҳ. Ўтегенов қишлоқ Советининг депутати, ўртоқлик судининг раиси, участкада ҳисобчи. У бу ишларнинг ҳаммасига вақт топади, кишиларнинг хожатини чиқаради.

Р. ИСҲОҚОВ.

БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

● Урганчдаги 167-қурилиш трестининг бинокорлари янги йил арафасида Урганчнинг энг кичкинтой гражданларига яхши туҳфа—пўлат, бетон ва ойнадан қурилган икки қаватли болалар комбинатини совға қилдилар. Бу ерда 140 бола тарбияланади. Бу—Хоразм областининг марказидаги иккинчи ана шундай болалар муассасасидир.

● Киров районининг (Фарғона области) чорвадорлари гўшт сотиш йиллик планини бажардилар. Колхоз ва совхозлар тайёрлаш пунктларига минг тоннадан кўпроқ маҳсулот топширдилар.

● Сариосиё районининг чорвадорлари янги йил бўсагасида сут тайёрлаш йиллик план—заказни муддатидан олдин бажардилар.

ПОРЛОҚ ЙЎЛ

Н. МУРОДОВ,
Ўзбекистон КП Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари.

◆ ◆

Ижодкор совет кишилари етти йилликни якунлаб, янги беш йиллик режаларини тағин ҳам муваффақиятлироқ, тағин ҳам яхшироқ амалга ошириш тўғрисида ўйлаяптилар. Бутун совет халқи сингари областимиз меҳнаткашлари ҳам 1965 йилда эришилган муваффақиятларга ифтихор ҳисси билан қарамоқдалар. Муваффақиятлар сири ўрганилаётир, шу билан бирга содир бўлган камчиликларнинг сабаблари, ҳали фойдаланилмаган резервлар аниқланиб, келгусидаги ишлар, режалар чуқур таҳлил қилинмоқда.

Якунларга чуқур назар ташласак, улкан етти йилликнинг охирги йилида ҳам коммунизм моддий-техника базасини яратишда бизнинг Сурхондарё областда ҳам бирмунча ютуқлар қўлга киритилгани кўзга ташланиб турибди.

КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумлари қарорларидан илҳомланган область меҳнат аҳли мамлакатга тобора кўпроқ саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун мусобақа байроғини баланд кўтарди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик программаси бўлтургидан 10 кун олдин бажарилди. Мамлакатга пландан ташқари кўплаб тошкўмир, нефть, ўсимлик мойи, пахта толаси ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди. Шаргун кўмир кони, Термиз, Шеробод, Хайробод пахта тозалаш заводлари, «Сурхонэлектросет», «Кокайди, Ламмикор нефть конлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш область бошқармаси, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг корхоналари декабрь ойининг дастлабки кунлариданоқ 1966 йил ҳисобига ишлай бошладилар.

Саноат корхоналарида ҳам, колхоз, совхозларда ҳам коммунистик меҳнат ҳаракати тобора авж олмоқда. Ишчилар, деҳқонлар партия кўрсатган нурли йўлдан бориб, янги-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Область қишлоқ хўжалик ходимлари 1965 йилни яхши якунлаяптилар. Пахтакорларимизнинг зафарлари айниқса қувончлидир.

Давлатга пландаги 275 минг тонна ўрнига 305 минг тоннага яқин пахта топширилди. Мамлакат 45 минг тонна қимматбаҳо ингичка толали Сурхон пахтасини олди. Ҳосилдорлик гектар бошига 28,4 центнерга етиб, бултургидан 3.6 центнер ортди.

Денов ва Сариосиё районларининг азаматлари имкониятлардан яхши фойдаланишлари туфайли ҳосилдорликни 36-37 центнердан ошириб юбордилар. Жарқўрғон, Шўрчи районларида ҳам ҳосилдорлик 30 центнердан анча ортди.

Бундай муваффақиятлар ўз-ўзидан келгани йўқ. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари қишлоқ хўжалигида бор резервлардан фойдаланишнинг конкрет йўлларини кўрсатиб берди, одамларнинг меҳнатга ҳаваси ортди, кишилар ўз меҳнатларидан кўпроқ баҳра оладиган бўлиб қолдилар. Давлатимиз деҳқонларнинг меҳнатини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг адолатли баҳосини белгилаб берди.

Денов районининг азамат пахтакорлари давлат омборига 75 минг тоннадан кўпроқ пахта топширдилар. Район партия комитети (биринчи секретари ўртоқ Эгамберди Мавлонов) коммунистларни, партиясизлар оммасини КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини бажаришга отлантира олди. Район партия, совет ташкилотлари буйруқбозлик, вакиллар юборишни сингари ярамас иш практикасидан воз кечиб, одамларнинг ташаббус кўрсатиб астойдил меҳнат қилишларини таъминладилар. Район партия ташкилоти деҳқонларни коммунистик руҳда тарбиялашга, коммунистларнинг авангардлик ролини оширишга, ҳалол меҳнат қилаётган кишиларни ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам моддий жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор берди. Шу билан бирга район партия комитети қишлоқ хўжалик мутахассисларининг, хусусан агрономларнинг ролини оширишга

ОРОЛ ЛАВҲАЛАРИ

◆ Манзил

Шом. Атласранг уфқдан елканлар қалқиб-қалқиб келади. Ҳаво уларга қўл силкитгандек Орол устида қулранг ипак пардасини ёйиб, ҳилпиратиб турибди.

Иўловчи — тўлқинлар қоронги тушмай манзилга етиб олиш учун тергаб-пишиб, бир-бирини қувиб соҳилга шошади, чопади. Қирғоққа етгач енгил тин олиб, эркаланиб оқсар оёғига бош қўяди. Она меҳрига қонган боладек секин кўз юмади, ухлайди.

Ҳар шом қадимий Мўйноқ овдан қайтаётган балиқчиларни шундай кутади.

◆ Теран

Устюрт этагидаги боғда тунадик. Қуботарга қараб неча минг километрга қумлик чўзилиб кетган. Кунчиқарда эса кўм-кўк водий. Ўртада дароз теракла саф тортиб, соҳчидек сергак турибди. Тепа шохларидаги япроқлари оппоқ...

Тонг отарда қандайдир нохуш шовқиндан уйғониб кетдим. Устюрт томондан қум аралаш кучли шамол эсарди. Ў тераклар устидан ҳатлаб ўтиб водийга ёпирилмоқчи бўлар, бир-бирига елкама-елка турган тераклар тиришиб, бағрини қум тўзонларига қалқон қилиб, уни ўтгани қўймас, уйқудаги водий осойишталигини сақларди.

Шунда муштипар онам, теракдек салобатли, нуроний отамни эсладим. Уларнинг қисмати теракнкига ўхшайди. Ўз ҳаётларини мисқолма-мисқол фарзандларига бағишлайдилар. Шу кучли, кўр-кўрона, тубсиз меҳр туфайли инсоният жамияти абадий давом этади... Падаримизбузрукворларимиз бошидаги қумуш толалар фарзандларининг осойишталигини кўриқлаш учун минг бир машаққатни ҳам осонгина бўйнига олиб, тунларини бедор ўтказганларида қўнган қировдан экан...

◆ Томир

Қўнғирот аэропорти. Самолёт кутиб турибмиз. Салқин ҳовуз бўйида неварасини ўйнатиб ўтирган чолга кўзим тушди. Бола бобосининг елкасига миниб олиб, жажжи қўллари билан гоҳ чолнинг оппоқ соқолларини тортиқлайди, гоҳ бошқа устида эгилиб турган толнинг майин япроқларига талпинади. Бир вақтлар шу чолни ҳам бобоси шундай эркалатгандир...

Ҳовузнинг тиник суви устида бир жуфт нилуфар япроқларини ёйиб, кафтида оппоқ гулини кўтариб турибди. Гул қуёш нурида товланади, оламга кулиб боқади. Ажаб, қора ер қаърида меҳнат қилиб, томирлари тўқнинчалар билан олишиб, тупроқ титкилаб, сув ичиб— шарбат тўплаб гулга юбориб турганини бу яшнаб турган мўғжалар билармикин?!

Оталар, азиз оталар, томирдек фидоий, камтар оталар.

◆ Синган ҳавас

Мўйноқдаги Бердаҳ номли мактаб ўқувчиси Қодир устахонада бир ҳафта овора бўлиб, радиокарнай ясади. Мана бугун симларини улаб, қутиларини бўяб, штепселга улади:

— Хр-йр-р-др, — хириллаб товуш берди карнай.

Бола қувончининг ниҳояси йўқ. Ахир, у радиокарнай ясадику!

Қўнғироқ чалиниши билан болалар ясаётган нарсаларини жой-жойига қўйиб чиқиб кетишди. Қодир эса ҳамон ўзи ясаган карнай атрофида айланиб юрар, гоҳ у, гоҳ бу томонидан ўтиб карарди.

Асбоблари ғаладонга солаётган устанинг кўзи болага тушди.

— Ҳа, Қодирвой, радионг битдими?

— Битди... — боланинг устага жовдираб тикилган кўзларида ҳам қувонч, ҳам илтимос аломатлари бор эди. — Мустафо ака... — Қодирнинг тили тутилди. Кафтини-кафтига ишқалаб, бир йўталди. Бурнининг учи терлаб, қизарган эди, — шуни уйга олиб кетсам майлими? Эрталаб келтириб қўярдим...

— Ола қол, ўзинг ясагансанку, ола қол.

Қодир карнайни қўлтиқлаб қанот чиқаргандек уйига югурди. Тиқ этса эшикка қараб, онасининг балиқ овидан келишини сабрсизлик билан кутарди. Кўрсатади, онажонига кўрсатади, ўзи ясаган радиокарнайни кўрсатади. Онаси суюниб, «жон болам, ақлдигинам, ўзинг ясадингми-а?» дея унинг бошини силайди.

Даҳлизда оёқ товуши эшитилди. Қодир ҳаллослаб ўрнидан турди.

— Она...

Онаси эгнидаги оқ яктакни ечиб, уй бурчагида турган катта сават устига ташлади. Қўйлагининг кенг енгларини шимариб, ўғлига ўгирилди.

— Нима дейсан? — товушидан чарчагани билиниб турарди.

— Мен радио ясадим. Мана, — у симни штепселга улади. Карнайдан шамоллаган киши йўталгандек «хр-тхр-хх-х-др» товуши эшитилди.

— Ана эшитяпсизми, — деди суюниб Қодир.

Онаси умидвалликда юзи-қўлини юваётиб:

— Олиб қўй ўша ғалвангни. Қулоғимиз бир оз тинчисин, — деди.

Бола ўрнидан қимирламади. Онасига ҳайрат билан тикилиб қолди. Карнай ҳамон хирилларди. Онанинг жаҳли чиқди:

— Гапга қулоқ солмайдиган бўлдингми ҳали... — қўлини сочиққа артиб келиб, карнайни отиб юборди. — Ана, ўзимизнинг борку, ўтир овқатлан.

Бола истар-истамас дастурхон ёнига ўтириб, нон чайнай бошлади. Кўзлари ҳамон ерда картони йиртилиб, симлари қийшайиб ётган карнайда эди. Она карнайни эмас, ўзи сезмасдан ноёб бир истеъдодни, ўғлининг кўнглидаги ҳаваси синдириб қўйган эди.

Самар НУРОВ.

Боймирза Бобоёров Зомин районидаги 2-«Зомин» совхозининг энг пешқадам чўпонларидан бири. Чорак асрдан кўпроқ вақтдан буён шу соҳада ишлаб келаётган тажрибали чўпон бу йил ҳар юз бош совлиқ ҳисобига 137 тадан қўзи олиб, катта муваффақиятга эришди. Суратда: Боймирза Бобоёров.

А. Тўраев фотоси.

Ахлоқ ва одоб мавзуида

ОЛИЖАНОБЛИК

Совет ёшларини меҳнатсеварлик, олижаноблик руҳида тарбиялашда совет воқелигининг ўзи, совет кишиларининг қаҳрамонона ҳаётий намуналари муҳим роль ўйнайди. Ҳар куни газеталаримизда биз билан ёнма-ён ишлаётган оддий совет кишиларининг олижаноб ишлари ва ҳаракатлари ҳақида хабарлар берилади.

Лекин гап шундаки, биз, катталар йигит-қизларни олижаноблик руҳида тарбиялаш учун қўлимиздан келган барча ишларни қилаяпмизми? Йўқ, биз ёшларнинг қалбида юксак ахлоқий фазилатларни камол топтириш учун ҳали кўп ишлар қилишимиз лозим. Афсуски, ёшлар ўртасида фақат ташқи қиёфаси чиройли бўлса, модага қараб кийинса, хушмуомала бўлса, олижаноблик учун шулар кифоя қилади, деб ўйлайдиганлар ҳам учрайди.

Ахир ёшларимизнинг кўпчилиги табиатан яхши, хайрли, олижаноб ишларни қилишга интиладилар. Биз ёшларнинг шу интилишидан тарбия ишида тўғри фойдаланишимиз лозим.

Аввало ёшларга шуни уқтиришимиз керакки ҳаётда олижаноблик, гўзаллик тушунчаси тарихий, синфий аҳамиятга эга бўлиб келган. Кишиларнинг гўзаллик ҳақидаги тушунчалари, эстетик диди ва фикри ўз-ўзидан вужудга келмади, балки, юртимизда янги ижтимоий тузумнинг ғалабаси, катта тарбиячилик ишлари туфайли такомиллашиб борди.

Кишининг олижаноблиги ҳақида гапирганда аввало унинг хис-туйғулари, ўйлари, қилаётган ишларининг гўзаллигини кўзда тутамиз. Айниқса, гўзаллик кишиларнинг оддий, кундалик, лекин олижаноб хислатлари, хатти-ҳаракатларида равшан кўринади. Илгари гиёҳ унмаган тақир чўлда эл-юрт ободлиги, фаровонлиги учун барча машаққатларга дош бериб, «оқ олтин» етиштирган, кишиларнинг иши олижаноблик эмасми? Андижон областидаги чўлда янги ташкил қилинган «Улуғнор» совхозида тер тўкиб катта хирмон яратган Абдусалом Маматов, Йўлдош Султонхўжаев, Мирдада Шахсиров сингари кишиларнинг ишлари уларнинг маънавий гўзаллигини кўрсатади, албатта.

Бундай жасур йигит-қизларни ишлаб чиқаришнинг ҳар жабҳасида учратиш мумкин. Ҳукуматимиз кишиларнинг маданий савиясини кўтариш борасида анча ишлар қилмоқда. Маданий савия ошганда эса кишиларнинг эстетик диди, эҳтиёжлари ҳам ўсади. Улар чиройли кийиниб, уй-жойларини ҳам дид билан ясатиб, гўзал яшашга интиладилар. Лекин, яхши кийиниш ва юриш-туришда меъёрдан четга чиқиш, бировларнинг олдида ўзини кўз-кўз қилиш ҳам ярамайди. Мутафаккир шоиримиз Навоий айтганидай, камтарлик ва билим инсонни безайди.

Бизнинг жамиятда инсон ўрни, унинг иззат-ҳурмати одамларга, халқа етказган фойдаси, меҳнатга муносабати, ватанпарварлиги каби хислатлари билан баҳоланади.

Шаҳрисабз районида юз берган бир одлий воқеани олайлик. Бу йилги сув танқислиги кимларни шошилтирмади, кимлардан жасорат талаб қилмади, дейсиз? Киров номли колхознинг Бўзсой массивига сув чиқарилган куни Ҳуррам, Файзи, Мусурмон қош корайгунча ғўзалар орасидан чиқишмади. Шу куни қишлоқда Ашурбобонинг тўйи эди. Йигитлар ҳурмат юзасидан тўйга бориб келмоқчи бўлишди.

— Сизлар кетаверинглар, мен янги участкадан хабар олиб, кетингиздан етиб оламан,— деб Ҳуррам нариги пайкалга ўтиб кетди. Файзи билан Мусурмон тўйга кетишди. Лекин, Ҳуррам ҳадеганда келавермади. Файзи ташвишланиб, пахтазорга қайтди. Ҳуррам йўқ. Жарлик ёқасида кетмонни кўриб, Файзининг аъзои-бадани жимирлаб кетди. Бир ариқ сув чуқур ўрага шариллаб қуйиляпти. Лекин, у ҳач қаердан окиб чиқмаяпти. Файзи қичқириб, ўртоғини чақира бошлади.

Шу пайт... Шариллаб тушаётган сув остида вахимали товуш эшитилди. Бу, ўрага қулаб тушган Ҳуррамнинг товуши эди. У ўртоқларини ёрдамга чақирарди. Файзи кўрқувни ҳам унутиб, жар ёқасига чопиб келди, қўлига тушган арқонни сув остига ташлади. Жар ёқаси яна ўпирилиб, Файзининг ҳам оёғи тоя бошлади.

Шу пайт чопиб келган Мусурмон қаердандир сим топиб, унини Файзига тутқазди. Лекин, Файзи ҳам сув остида кўринмай кетди. Иккаласининг товуши ўчди. Улар зўр машаққат билан, сув тагидан чиқариб олинганда хушсиз, кўкариб кетган эдилар. Мусурмон маҳаллага югурди. Ашурбобонинг тўйи қолиб, одамлар далага чопишди. Врач қидиришди. Ёш деҳқонларнинг ҳаёти қуткариб қолинди.

Бу воқеада ҳам кишиларимизнинг олижаноблиги, жасорати кўриниб турибди. Ҳаётдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ишчининг қийин топшириқни уддалаши, колхозчининг об-ҳаво инжиқлигини енгиб, мўл ҳосил етиштириши, нашриёт ходимининг қийин қўлёзма устида кеча-ю кундуз ишлаб, уни қисқа муддатда нашрга тайёрлаши жасорат эмасми? Ҳа, бу—кишиларимизнинг оддий, кўзга кўринмас, кундалик ишлари бўлиб қолган. Шунинг ўзи кишиларимизнинг гўзаллиги, олижаноблигини кўрсатиб турибди.

Жамиятда одамийлиги, олижаноблиги, эл-юртга қилган хизмати билан иззат-ҳурмат топган кишилар гўзал кишилардир. Айниқса бизнинг социалистик жамиятимизда олижаноблик кўпчилик кишиларимизга хос фазилатдир.

К. ДАДАЕВ,
доцент.

ВИСТАВКА ҚАТНАШЧИЛАРИ

ФАРҒОНА. (ЎзТАГ). Фарғона область матлубот союзи. Олтиариқ район матлубот союзи, Заркент матлубот жамияти ва Марғилон улгуржи савдо базаси Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг келгуси йилги қатнашчилари қилиб тасдиқландилар. Чиройли қилиб безатилган стендлар, жуда кўп экспонатлар ва брошюралар Фарғона қишлоқ кооператорларининг ишлари тўғрисида Центросоюз павильони томошабинларига ҳикоя қилади.

Область матлубот союзи товар обороти ўн бир ойлик планини муддатидан илгари бажарди. Топшириққа қўшимча суратда ошиги билан икки миллион сўмлик товар сотилди. Савдонинг янги прогрессив формаларини кооператорлар амалда кенг қўлламоқдалар.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЮТУҚ

КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани ҳар томонлама қизитиб юборган «Узкультторг»нинг Самарқанд областдараро савдо базаси ходимлари етти йилликнинг иккиничи йилида ажойиб ютуққа эришдилар. Улар йиллик товар оборот планини 6 декабрда 100 процент ado этдилар. Ишчан коллектив аъзолари йил охиригача планга қўшимча 1 миллион сўмлик маданий ҳамда спорт товарлари сотиш мажбуриятини олдилар.

Х. ҒОИБОВ.

ГУЗАЛЛИК ОШИҚЛАРИ

Сурхондарё область, Шўрчи районидаги Боботоғ ўрмон хўжалиги коллективи қишлоқларимизни кўм-кўк либосга буркаш, жонажон ўлкамизни қўқаламзорлаштириш ишига баракали ҳисса қўшмоқда. Ўтган йили меҳнатсевар коллектив аъзолари райондаги колхоз ва совхозларга бир неча минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари сотди.

Шу кунларда улар келгуси йил баҳорида хўжаликлар ва меҳнаткашларга сотиш учун 150 минг туп мевали ва 100 минг туп манзарали дарахт кўчатлари етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

К. ЖУМАНИЕЗОВ.

«БИР ПИЁЛА ЧОЙГА КЕЛИНГ»

Кечки пайт Наманган шаҳридаги 40-ўрта мактаб биноси одамлар билан гавжум бўлди. Кишилар «Обод» маҳалла комитети ташаббуси билан ташкил этилган «Бир пиёла чойга келинг» кўнгил очиш кечасига тўпланишган. «Оилада бола тарбияси» деган темада практикант-ўқитувчи М. Исмоилов ўқиган лекция кеча қатнашчиларида яхши таассурот қолдирди. Шунингдек, мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоларидан Р. Дадахонова, С. Олимжонова, З. Убайдуллаева, М. Собировалар ижро этган дилрабо қўшиқ ва шўх рақслар ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

Қ. УБАЙДУЛЛАЕВА.

ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДА

Пойтахтимизнинг Октябрь район «Зарбдор» маҳалласида жамоатчилик асосида катта клуб, идора, омборхона ва озиқ-овқат магазини бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу ишда Н. Жабборов, Б. Юсупов, Ш. Шорахмедов, Н. Тешаев, пенсионерлардан Н. Абдуллаҳўжаева ўртоқлар ташаббус кўрсатдилар.

Ҳ. НАЖМИДДИНОВ.

СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН, ҚАҲРАМОН ВЬЕТНАМ

Сен ёлғиз эмассан, қаҳрамон
Вьетнам,
Тинчликни севганлар доим
қошингда.
Сен билан қайғудош, сен билан
ҳамдам,
Сени дер зар сочар қуёш
бошингда.

Сен оташ ва жасур, исёнда ҳақсан,
Ут билан ўйнашган бўлажак ҳароб.
Эркингни берма ҳеч, ғазабга
ғарқсан,
Душманни улоқтир, беролмасин тоб.

Ким экан сен экнан ниҳол,
гулларни
Топтаган, ғижимлаб узган,
кўчирган.
Мадҳингда ғазалхон у булбулларни
Кўксига тош отиб қувган, учирган,

Ғўдаклар уйқусин бузиб бемаҳал,
Осмондан ёғдириб бомба, заҳар, ўт,
Кезмоқда ҳарёнда ваҳшат ва ажал,
Қоплаган мусаффо осмоннинг
булут.

Бойлигинг, нонингга олайтириб кўз,
Узоқдан келдилар талай шумоёқ.
Бахтингга чанг солмоқ учун бериб
суз
Етларга, сайёнлик бир тўп
қўғирчоқ.

Дадил бўл, жафокаш, қўрқма
ёвлардан,
Қуролмас боғингга бойқуш ошиён.
Қалбинг чўг, хайриқма ўт-оловлардан
Қолмагай ҳеч қачон босқинчи омон.

Эрксевар ва тинчлик йўлида маҳкам
Эллар кўп, барчаси сен билан иноқ.
Сен ёлғиз эмассан, қаҳрамон
Вьетнам,
Ғалаба сен билан, келгусинг порлоқ.

ҒАЙРАТИЙ.

ДИЛОРОМ

ЁШ ТАЛАНТЛАР

Ўқувчилик йиллари. Дилоромнинг қалбида икки истак мавж урди. Бири мактабни тамомлаб етуклик аттестати олиш бўлса, иккинчиси шу илм даргоҳидан тўғри санъат қучоғига кириш. Орзу — кўзланган мақсад ва олинган мўлжалнинг ярим муваффақияти. Сергайрат қизча ўқишда ҳеч кимга бўш келмас, ҳаваскорлик тўгарагида эса ҳеч кимдан қолишмас эди. Бадиий ҳаваскорлик тўгарагидаги ўз дугоналари Дилоромнинг серзавқлигига, дидига ва интилишига тан беришарди. У ашула айтганда ҳам, ўйнага тушганда ҳам ҳаммани мафтун этарди. Тўгарак раҳбари бу умидли гунчанинг тарбиясига алоҳида қизиқиш билан киришди. У қизнинг истиқбол йўли санъатда, ҳа, фақат санъатда эканлигига тўла ишонарди...

Етуклик аттестати учун охирги имтиҳонни топшириб бўлгандан кейин дарҳол театр қучоғига отилгуси келган Дилоромнинг севинчи қалбига сиғмасди. Шунинг билан бирга унинг қалбини гоҳ ишонч, гоҳ қўрқув босарди. «Бордию, мени театрга қабул қилишса, ишни уддалай олмасам, умидим чиппакка чиқса...» деб кўнглидан ўтказарди. Лекин қизнинг бу ички изтиробидан ундаги ҳавас, интилиш, умид ва ишонч устун келди. «Ўқийман, ўрганаман, иш қилиб санъаткор бўламан», деган қатъий қарор Дилоромнинг руҳини ёритиб юборди. Санъат — бу менинг жоним, тақдирим доимо шу билан боғлиқ, деди қатъийлик билан ўз-ўзига. Аммо бу йўлнинг машаққатли томонлари ҳам борлигини сезарди. Чунки унинг отаси ҳам, онаси ҳам шу соҳанинг кишиси бўлганликларидан, уларнинг ташвиш ва хурсандчиликларидан хабардор эди.

Қиз ширин хаёлларга берилиб ўтираркан, кўчадан Маҳмуджон ака кириб келди-да, дарҳол қизига раъм солди. Дилором ўрнидан туриб отасини илтифот билан кутиб олди, лекин ўзини қандайдир ўнғайсиз сезди. Қизнинг ҳолатини ота дарҳол пайқади.

— Қизим, нима бўлди, хаёл суриб ўтирибсан, — деди у.

— Йўқ, дадажон, ҳеч гап йўқ. Шунчаки ўзим... — жавоб берди тутилиб Дилором.

— Мана, қизим, ўқишни ҳам тамомладинг. Балли. Энди ўқишни давом эттирасанми, ё айтганингни қиласанми?

Дафъатан берилган бу саволдан Дилором андак саросимага тушди. Нима деярини билмай, отасига меҳрибон боқиб, қандайдир нажот кутаётганден эди. У сизнинг ва онамнинг йўлларингизни бораман, деб айтишга ботинолмай, шаҳло кўзларини мўлтиллатиб турарди. Маҳмуджон ака бўлса қизининг нигоҳидан, ҳаяжонидан унинг мақсадини дарҳол ушиб олди шекилли:

— Ихтиёринг, хоҳласанг эртагаёқ театрга олиб бораман. Аммо, шарти шуки, қандай бўлмасин ўқийсан.

Севинчдан ўзини тутолмаган Дилором отасини маҳкам қучди-да, эртагаёқ театрга олиб боринг, айтганингизнинг ҳаммасини қиламан, деди.

Мана, ёш Дилоромнинг орзуси ушалди, у энди артистка. Ижодий изланишларнинг илк даври бошланди. Саҳна санъатининг энг ингир-чингирига қадар кузата бошлади. Саҳна ишларининг кўз олдида санъат мураккаб эканлиги, у санъаткордан катта маҳорат талаб қилишини яққол сеза бошлади. У ўзининг бутун қобилияти ва талантини санъатнинг ички сирларини билиб олишга бахш этди. Кичик роллардан бошлаб, асосий ролларгача артистка талаб қилинадиган энг зарур шартларни ўйлаб Дилором сира тинчимади. У саҳна усталари—республика халқ артисти Ваҳобжон Фаёзов, хизмат кўрсатган артистка Ўрозгул Ғойибова, қолаверса ўз отаси ҳамда бошқаларнинг қанотида камол тоца борди. Саҳна кўринишларида гоҳ у роль, гоҳ бу ролни ўйнаб экан, Дилоромдаги қобилият мана ман деб кўрина бошлади. Театр коллективининг муҳаббати ошиб кетди. Театрнинг етакчи санъаткорлари ёш артисткага масъулиятли ролларни топшириш пайти келганлигини назарга олишди. Ваҳобжон Фаёзов кунларнинг бирида Дилоромни ўз ҳузурига чақирди-да:

— Дилором, энди сизга бош ролларни топширмоқчимиз, нима дейсиз, — деб сўради.

Дилором қалбидан қувониб кетган бўлса-да, лекин ўз севинчини ширишга ҳаракат қилди, камтарлик билан:

— Ҳали ёшман, эплай оларминкинман, уста, — деди мулойим оҳангда.

— Йўқ, қўрқманг. Онангиз ўйнаган ролларни энди сиз бажарасиз. Ёрдам бериш биздан, — деди Фаёзов.

Дилоромнинг кўзига жиқ ёш келди. Марҳума онаси республикада хизмат кўрсатган артистка Онабиби Очилова ўйнаган Лайли, Шоҳсанам, Гулбаҳор образлари унинг кўз олдида дарҳол гавдаланди. Дилором онаси ана шу ролларни ўйнаганда қанчалик ҳавас қилар, гурурланарди. Томошабинларнинг олқишидан чексиз лаззат оларди. У бир зум шуларни хаёлидан ўтказди. Мана, энди саҳнада ўз онаси бажарган ролларда чиқиши керак. Одамлар уни қандай қарши олишарнин. Онасининг ўрнини боса олармикин. Дилоромнинг қалбини ана шундай ҳаяжон ўраб олди.

— Эртадан бошлаб Лайли роянни ўйнашга тайёрланасиз, — деди Фаёзов қатъий қилиб.

Энди Дилоромнинг ижодий камолотида янги босқич бошланди. У Лайли образини ўз қиёфасида акс эттириш устида кўп меҳнат сарф қилди. Қаҳрамоннинг ички ва ташқи дунёсини томошабинга санъаткорона етказишга қитилиб, дастлабки муваффақиятга эришди. Бу роль ёш артистканинг бундан кейинги истиқболи учун ҳақиқий синов бўлди. У бирин-кетин «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Сўнгги хон», «Икки ўт ўртасида», «Бир гунча очилгунча» ва бошқа спектакларда бош қаҳрамон образларини маҳорат билан яратиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Дилором Сафоева ҳозир Оғаҳий номидаги Хоразм область музикали драма ва комедия театрида кўзга кўринган артистлардан бири бўлиб қолди. Ўни коллектив севади, ҳурмат қилади. Унинг ёқимли овозини эшитиб қишилар ҳузур қилади. Дилором Тошкентдаги театр ва рассомлик санъати институтида сиртдан ўқиб, ўз назарий билимини ҳам оширяпти. Дилоромнинг эртаси янада порлоқ. У саҳна санъатининг янги чўққилари сари дадил интилянти.

Ҳ. НУЪМОНОВ,
О. АБДУРАҲМОНОВ.

АРМУҒОН

КПСС XXIII съезди шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилган Иштихон район матлубот жамиятининг ходимлари қишлоқ меҳнаткашларига маданий савдо хизмати кўрсатишни яхшилаб, юқори натижаларга эришяптилар. Йиллик товар обороти плани ошиғи билан бажарилди.

Утган ўн бир ой мобайнида аҳолига 466 минг сўмлик қўшимча товар сотиляди. Давлатга қоранўл тери, жун, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари, тухум ва бошқа маҳсулотлар сотиш планлари ҳам ошириб бажарилди.

Матлубот жамияти бу ютуқларга савдо тармоқларини кенгайтириш, аҳоли талабларини ўрганиш, ҳисобга олиш, уни қондириш тадбирларини кўриш, янги прогрессив усулларни қўлланиш туфайли эришмоқда.

Шу йилнинг ўзида Ленин номли, «Узбекистон», «Коммунист», «Меҳнат—роҳат» колхозларида янги магазинлар, умумий овқатланиш корхоналари, новвойхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фойдаланишга топширилди.

Топширириқларни ҳар доим 140-150 процент бажариб келаётган Маҳмуд Ашуров, Мардиқул Алиқулов, Асрор Аҳроров, Каттаой Хўжамқулова, Улуғой Даминова сингари 16 савдо ходимига коммунистик меҳнат зарбдори номи берилди.

Районда китоб савдоси йиллик плани эса муддатидан 20 кун олдин 120 процент қилиб бажарилди. 54 минг ўрнига 64 минг 800 сўмлик китоб сотилди.

Матлубот жамияти ходимлари КПСС XXIII съезди шарафига мусобақани янада кучайтириб, янги йил ҳисобига ишламоқдалар.

С. ХУЖАЕВ,
Иштихон район матлубот жамиятининг инструктори.

Денов районидаги «Ғалаба», генерал Собир Раҳимов номли, Сариосиё районидаги «Ленинград», «Ленинизм», «Коммунизм», Ленин номли, «Ўзбекистон», «Янги рўзғор» колхозларида гектаридан 36-38,5 центнердан, Шўрчи районидаги «Коммуна», «Оқ олтин» колхозларида, «Ҳазорбоғ», «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозларида 32-35 центнердан ҳосил кўтаришди.

Шунинг қувончлиги, 1965 йилда илгари планини сурункасига бажармай келган Термиз, Шеробод районлари ҳам мамлакатга мўл-кўл пахта етказиб бериб, қолоқликдан чиқиб олдилар. Бу—ана шу район партия ташкилотлари омма орасида олиб борган катта сиёсий, ташкилотчилик ишларининг самараси, деҳқонлар қилган фидокорона меҳнатнинг меваси.

Деҳқонинг машинага ихлоси ортмоқда. Пахтачиликда сифат ўзгаришлари юз бераётир. «Сурхон», «Комсомол 30 йиллиги», «Ҳазорбоғ» сингари совхозлар йигим-теримни механизациялаштириш учун курашда байроқдор бўлмоқдалар. Шонли механизаторларимиз 65 минг тоннадан знёдроқ пахтани машинада теріб олдилар. Шўрчилик Шойимардон Қудратов, Жаҳонгир Ғаффоров, Соат Искандаров, деновлик Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Отамурод Худойназаров, Назиртош Тўраев, Ҳожархон Файзуллаева, сариосиёлик Раҳим Шоймардонов, Абдусаттор Рўзиқулов сингари азаматларнинг ҳар бири мавсумда 120-200 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлдилар.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга 549 тонна пилла, 16 минг 462 тонна дон, 18 минг 872 тонна сут, 1618 тонна жун, 15033 тонна сабзавот, қовун-тарвуз, кўплаб шоли топширдилар. Бу жонли рақамларда меҳнатсевар чорвадорларимиз, ғаллакорларимиз, боғбонларимиз, миришкор деҳқонларимиз кўрсатган фидокорлик, ғайрат ташаббус яққол намоён бўлмоқда.

Область партия комитети КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорлари асосида қолоқ хўжаликларни илғорлар даражасига етказишга, бунинг учун камқувват хўжаликларнинг иқтисодий аҳволини чуқур ўрганишга, уларга қонқрет ёрдам беришга биринчи даражали муҳим вазифа деб қаради. Колоқ хўжаликларга ишбилармон, моҳир ташкилотчи ўртоқлар юборилди. Масалан, Термиз районидаги «Таллимарон» совхозига коммунист ўртоқ Нормўмин Туробов, Термиз районидаги «Коммунизм», Сариосиё районидаги Свердлов номли колхозларнинг раислигига Раҳмоншер Файзиев, Қурбон Жўраев ўртоқлар тавсия этилди. Биргина Свердлов номли колхозда ҳосилдорлик бултургига нисбатан 7,2 центнер ортди. Бундай муваффақиятга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Одамларга ишонч билдириш, кишиларга меҳрибон, талабчан бўлиш, техниканинг кучидан унумли фойдаланиш — муваффақиятни таъминлади.

Партия ва ҳукуматимиз совет деҳқонлари тўғрисида ҳам ҳамиша ғамхўрлик қилмоқдалар. Биргина бизнинг областимизда давлат колхозларининг 1 миллион 239 минг сўм қарзини кечиб юборди. Даромад солиғи тартиби ўзгарганлиги туфайли область бу йил 1964 йилдагига нисбатан 1 миллион 663 минг сўм қўшимча даромад олди. Бу рақамларнинг магзини чақиб, колхозчиларга тушунтиришда агитаторлар катта роль ўйнадилар.

Раҳбар кадрларимизнинг экономикани, марксча-ленинча назарияни, фалсафани чуқур ўрганишлари раҳбарлик санъатини оширишда ўз таъсирини кўрсатмоқда. Райком аъзолари, колхоз, совхоз раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари фан, тажриба эришган муваффақиятларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда, маблағларни тежаб-тергаб сарфлашда, резервларни қидириб топишда ташаббус кўрсатмоқдалар.

Областдаги барча бригада, фермалар ички хўжалик ҳисобига кўчирилган. Жарқўрғон районидаги 4 колхоз, 5 пахтачилик бригадаси меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш системасига кўчиб, яхши натижаларга эришди. Янги йилда бу прогрессив усул кенг қўлланилади.

Фидокорона меҳнат, партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли колхозларнинг, бинобарин, колхозчиларнинг ҳам даромади йил сайин ортмоқда. 1964 йилда биргина пахтачиликдан 86.927 минг сўм даромад олинган бўлса, бу йил даромад 122.582 минг сўмга етди. Чорвачилик, ғаллакорликдан келадиган даромад ҳам кўпайди.

КПСС Марказий Комитети март Пленумидан кейин ўтган давр ичида колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари ҳар тарафлама мустаҳкамланди, уларнинг жанговарлик қобилияти ўсди. Эндиликда ҳар бир колхоз партия ташкилотига ўрта ҳисобда 70 коммунист, совхоз партия ташкилотига 95 коммунист тўғри келади. Бу ҳар қандай масъулиятли вазифани ҳал қилишга қодир куч. Эндиликда хўжаликка раҳбарлик бошланғич партия ташкилотлари орқали амалга оширилмоқда. Партия ташкилотлари коммунистларни, хусусан мутахассис коммунистларни ишлаб чиқаришга, раҳбарлик лавозимларига кўтаришга жиддий эътибор бераётир.

Денов районидаги генерал Собир Раҳимов номли колхоз партия ташкилотининг (секретари ўртоқ Қобилжон Мамараҳимов) фаолияти ҳар тарафлама намунадидир. Аввало шуни айтиш керакки, бу ерда партия комитети аъзолигига турли соҳада ишлайдиган коммунистлар, шу билан бирга оддий коммунистлар сайланган. Партия комитетининг аъзолари вазифаларни ўзаро шундай тақсимлаб олганларки, бунинг натижасида колхоз ҳаётининг бирор соҳаси ҳам партия комитети эътиборидан четда қолмайди.

Партия комитети коммунистларнинг, мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига эътибор билан қулоқ солиб, колхозчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида ҳамиша ғамхўрлик қилади. Партия комитетининг бюро аъзолари, унинг секретари ўртоқ К. Мамараҳимов принципиал ходимлардир. Партия комитети бошланғич партия ташкилоти орқали ҳар бир коммунистга берилган топшириқнинг бажарилишини назорат қилиб туради. Колхоз партия ташкилотидаги коммунистларнинг 90 процента бевосита ишлаб чиқариш билан банд.

Колхоз бу йил 2450 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 40 центнердан, жами 10 минг тоннадан кўпроқ пахта топширди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Партиямизнинг XXIII съезди тобора яқинлашган сари коммунистларнинг, меҳнат аҳлининг ғайрати ошмоқда. Область меҳнаткашлари беш йиллиқда қилинадиган ишларни конкрет белгилаб олмоқдалар. Биз партия кўрсатган нурли йўлдан янги зафарларга бораверамиз.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛЛАР

САВОЛ — Ҳурматли редакция! Биз «А» классида биринчи марта қатнашишига қарамай яхшигина натижа кўрсатган Тошкент область «Политотдел» колхози командаси эгаллаган ўрни, тўплаган очкоси, киритган ва ўтказиб юборган тўпларининг қанчалигини биламиз. Аммо, ана шу тўпларни кимлар киритганини билмаймиз. Шу саволимизга жавоб берсангиз.

ЖАВОБ — Марҳамат: ён дафтарингизга ёзиб қўйишингиз мумкин: Колхоз футболчилари ўртасида рақиб дарвозасини энг кўп нишонга олган хужумчи В. Чаплигин. Унинг ҳисобида 12 та гол бор. Д. Ан 9 та, Костюченко — 4 та, Прохоров — 3 та (ҳаммасини 11- метрдан киритган), Е. Казаков — 2 та, В. Қаҳҳоров, Переверзев, Плехов, Цоцориялар биттадан тўп киритишган.

САВОЛ — Узбекистонда нечта хизмат кўрсатган спорт мастери бор?

ЖАВОБ — Республикамизда олти киши хизмат кўрсатган спорт мастери. Булар альпинист В. Рацек, акробат М. Тожиев, баскетболчи Р. Салимова, сузувчи С. Бабанина, велосипедчи М. Колюшев ва гимнастикачи С. Диамидовлардир.

САВОЛ — Футбол бўйича СССР кубоги ўйинлари дастлаб қачон ўтказилган ва қайси команда биринчи бўлиб бу мукофот эгаси бўлган?

ЖАВОБ — СССР Кубоги учун футбол мусобақаси илк марта 1936 йилда ўтказилган. Финалда Москванинг «Локомотив» командаси Тбилисининг «Динамо»сини 2:0 ҳисобида енгиб, фахрли мукофот эгаси бўлган.

САВОЛ — Футбол майдонининг узунлиги ва тўпнинг оғирлигини айтиб берсангиз.

ЖАВОБ — Футбол майдонлари турли бўлади. Матчлар ўтказадиган майдонлар эни 45 метрдан 90 метргача, бўйи 90 метрдан 120 метргача бўлиши мумкин. Халқаро матчлар ва жаҳон чемпионатлари ўтказиладиган майдонларнинг эни 64 метрдан 75 метргача, узунлиги эса 100—110 метр бўлиши лозим. Футбол тўпининг оғирлиги эса 396—453 грамм оралигида бўлиши керак.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ БЎЙИЧА СПРАВКА БЮРОСИ

САВОЛ — 110 ва 200 метрларга тўсиқлардан ошиб югуришдаги жаҳон ва СССР рекордлари кимга тегишли-ю, натижаси қанча?

ЖАВОБ — 110 метрга тўсиқлардан ошиб югуришда жаҳон рекордчиси ГФР спортчиси М. Лауэр. У масофани 13,2 секундда югуриб ўтган. СССР рекорди эса ленинградлик А. Михайловга қарашли бўлиб, 13,7 секундга тенг. 200 метрга тўсиқлардан ошиб югуришдаги жаҳон рекорди ҳам М. Лауэр томонидан ўрнатилган. Немис спортчиси бу масофани 22,5 секундда босиб ўтган. Киевлик В. Анисимов эса 22,8 секунд натижа кўрсатиб СССР рекордини қўйган.

САВОЛ — Нима учун Узбекистонда хоккей командаси йўқ. Ёки спортнинг бу тури билан шуғулланадиган спортчиларимиз йўқми? Нима сабабдан хоккей мусобақалари ўтказилмайди?

ЖАВОБ — Бу саволга республика спорт жамиятлари ва ташкилотлари Союзи совети спорт федерацияси бюроси раиси Ўртоқ П. Коновалов қуйидагича жавоб қилди: Хоккей мусобақаларини Урта Осиё республикаларида ўтказиш мумкин эмас. Жумладан Узбекистонда ҳам. Негаки бу ўлкаларда қиш қишлигини қилмайди. Мана декабрь ойи тугаб бораётган бўлсада қор ёқ-қани йўқ. Офтоб чарақлаб турибди. Табиийки, хоккей муз устида ўтказилади. Сунъий майдон ясаш мумкин эмасми, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Сунъий муздан хоккей майдони қилиш мумкин. Лекин бунинг учун жуда катта маблағ керак. Катта қийинчилик билан ва анчагина меҳнат ва маблағ сарфлаб қилинган майдондаги муз биринки соатга қолмай эриб кетади.

Кейинги пайтларда Тошкент шаҳрининг кўпгина диққатга сазовор жойларида киночилар группаси янги кинофильмларининг кадрларини суратга олишмоқда. Яқинда Одесса киностудиясининг бир группа съемкачилари Тошкентда бўлиб, янги — «Қўшиқ ҳамроҳимиз» номли фильми учун кадрларни суратга олишди. Суратда: «Қўшиқ ҳамроҳимиз» фильмини Театр майдонида суратга олиш пайти.

И. Глауберзон фотоси.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДА

ҚОРАҚАЛПОҚ КАЛЕНДАРИ

«Қорақалпоқ» нашриёти 1966 йил учун қорақалпоқ тилида 15 минг нусхада табель-календарни босмадан чиқарди.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТ

Ихтисослаштирилган Тўртқўл район пахта тозалаш заводи коллективи янги йилга муносиб тухфалар билан келди. Планга қўшимча кўплаб пахта толаси, линтер ишлаб чиқарилди.

ҒАЙРАТ КАМАРИНИ БОҒЛАБ...

Устюрт газопроводчилари қишнинг қаҳратон совуғида ҳам қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Партия XXIII съезди шарафига бошланган мусобақада «Восток-нефтепроводстрой»нинг Кўнгиротдаги 2-қурилиш бошқармасига қарашли колоннанинг труба ётқизувчиси Виктор Никитин смена топшириқларини 145-165 процентдан ошириб бажармоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

РУБОИЙЛАР

Қуёш ҳар кун ер лабига лаб қўйиб ўпиб туради,
Юрак, бағрин қилиб зиё, нурини сепиб туради.
Ер-чи! Қуёш белига белбоғ бўлиб, тинмайди доим,
Шундан олам харакатда — юраги тепиб туради.

Сенинг фақат икки, кишиларнинг минг-минглаб
нўси бор.
Нодоннинг доноси, ёмоннинг яхшилари, сўзи бор.
Кўрмайди, билмайди, ўлганку демагил, ҳеч-ҳеч,ҳеч,
Марҳумнинг ортида қолган дўст, ўғил ё қизи бор.

Одамлар саломи билан дилу кўзга яқин,
Ва алин саломи билан дилу кўзга яқин.
Икки сўзу аммо кучи жон-танга озиқ-ақл,
Озиқ ақл — камоли билан дилу кўзга яқин.

Дедим: Жоним. — Йўқ, йўқ, жаҳонинг
бўламан деди,
Дедим: Жаҳоним.— Йўқ, йўқ жонинг
бўламан деди.
Осмон бағрида фақат биттагина қуёш бор,
Дедим: Қуёшим.— Йўқ, жононинг бўламан деди.

Қуёш нури ҳар он ой сафарига йўл очади,
Шод бўлиб қуёшдан ой меҳр, дуога қўл очади.
Қуёш тафти билан йўргакланган шул сутдек
тунда
Ошиғу маъшуқлар бири-бирига дил очади.

Маъшуқа мезбон, ошиқ меҳмон олдига ош қўйди,
Дил тарозиси палласига ишқидан тош қўйди.
Ой парда тортиб бетига, кўрсатганда қуёш юз,
Уялибгина мезбон, меҳмон кўксига бош қўйди.

Кўнка боқувдим ой юлдузга ўхшаб кетди,
Юлдузга эмас ой бир қизга ўхшаб кетди.
Жону нарсалар бир-бирига ўхшаш, андоз,
Юлдузлар эса сиз ё бизга ўхшаб кетди.

Гошмамат РУЗИБОЕВ.

АҚШ сиёсатидан америкаликлар норози

Нью-Йоркдаги рождество виставкасида бўлган воқеа

ГДР чегарасида иғвогарлик

АҚШ Лаосда мактабларни бомбардимон қилмоқда

ДУНЁНИНГ ТАМИЗДА

ПАГУОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

АДДИС-АБЕБА. (ТАСС). Ўн бешинчи мартда ўтказиладиган Пагуош конференцияси биринчи марта Африкада чақирилади. Конференцияда жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатидан, жумладан Африкадаги мамлакатлар—Гана, Нигерия, Бирлашган Араб Республикаси, Судан, Эфиопия, Кения, Танзания ва бошқа мамлакатлардан юзга яқин олим қатнашади. Эфиопия пойтахтига ҳозирдаёқ совет олимлари келишди. Улар орасида СССР Фанлар Академиясининг вице-президенти Д. М. Миллионщиков, академик В. А. Каргин ва бошқалар бор. Конференция ривожланаётган мамлакатлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, уларнинг мустамлакачиликка қарши умумий курашда иштироки, Осиё-Африка ва Латин Америкаси мамлакатларига ёрдам кўрсатишда илм-фаннинг роли тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилади.

ИҒВОГАРЛАР ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛСИН

БЕРЛИН, 28 декабрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг вакили 26 декабрда Германия Демократик Республикаси билан Ғарбий Берлин ўртасидаги давлат чегарасида, Генрих-Гейн штрассе кўчасидаги контроль пункт яқинида қилинган иғвогарликка қарши кескин норозилик хатини Ғарбий Берлин сенатига юборди.

Олдиндан тайёрлаб қўйилган ана шу иғвогарликда Ғарбий Германия гражданларидан дортмундлик Гейнц ва Хорст Шенебергерлар қатнашган. Улар Ғарбий Германиянинг сохта паспортлари билан ГДР гражданларидан икки кишини Ғарбий Берлинга юбормоқчи бўлганлар, бу кишилардан бири ҳали балоғатга ҳам етмаган. Чегарани зўрлик билан ёриб ўтиш вақтида ярадор бўлган иғвогар Гейнц Шенебергер Ғарбий Берлинда яшириниб қолди. Ғарб матбуотининг хабар беришича, Гейнц вафот этган. Бу иғвогар олти марта жиноий жавобгарликка тортилган эди.

Қўлга олинган жиноятчилар яқинда суд қилинади.

ЛАОС МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ЖЕНЕВА БИТИМЛАРИ БУЗИЛДИ

ХАНОЙ, 28 декабрь. (ТАСС). Лаос халқ озодлик армиясининг олий қўмондонлиги баёнот эълон қилди. Олий қўмондонлик бу баёнотида Америка стратегик авиациясининг мамлакатнинг озод этилган районларига қилаётган ҳужумларига қарши қатъий норозилик билдиради.

Вьетнам информация агентлиги тарқатган баёнотда бундай дейилади: Қўшма Штатларнинг самолётлари Лаоснинг озод қилинган районларидаги госпиталлар, мактабларни, ибодатхоналарни ва аҳоли яшайдиган тинч пунктларни бомбардимон қилиб, ўққа тута бошлаганига бир йилдан ошиқ вақт бўлди.

Олий қўмондонлик Лаос масаласи юзасидан Женевада тузилган битимларни АҚШ жиддий суратда бузиб, мамлакатнинг суверенитети ва территориал бутунлигига қасд қилаётганлигини билдиради.

ИНДОНЕЗИЯДА АҲВОЛ

ЖАКАРТА, 28 декабрь. (ТАСС). Индонезияда сўл кучларни таъқиб этиш давом этмоқда. Бандунгдаги давлат университети «Пажажаран» студентлари, ўқитувчилари ва хизматчиларидан 354 киши Коммунистик партиянинг аъзолари ва у билан алоқадор илмий ташкилотлар ва студентлар ташкилотларининг аъзолари бўлганлиги учун ишдан бўшатилган, деб хабар беради Антара агентлиги.

Макассар университетининг ректори подполковник Натсир бу университет ўқитувчиларидан 120 киши «30 сентябрь» воқеаларида қатнашишда гумон қилиниб ишдан бўшатилганлигини айтди.

СУРИЯ ПРЕЗИДЕНТ КЕНГАШИНИНГ ДЕКРЕТИ

ДАМАШҚ, 28 декабрь. (ТАСС). Сурия президент кенгаши Юсуф Зайн ҳукуматининг истеъфосини расмий суратда қабул қилиш тўғрисида декрет чиқарди. Президент кенгашининг раиси Амин Ҳафиз Юсуф Зайнга мактуб юбориб, янги кабинет тузилганига қадар ўз вазифасини бажаришни илтимос қилди. Суриянинг янги ҳукуматини тузиш президент кенгашининг собиқ аъзоси Салоҳиддин Битарга топширилганлиги тўғрисида хабар берилган эди.

Америка агрессорларининг ҳақиқий башараси
А. Холиқов чизган расм.

АМЕРИКАЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ ЙИЛ КАЙФИЯТЛАРИ

Декабрнинг сўнгги ҳафтаси одатда Америкада байрам ўйин-кулгуси билан ўтади: аввал рождествони, унинг кетидан янги йилни байрам қиладилар. Америкаликлар бир-бирларига совға-салом топширадилар.

Лекин чарақлаб турган чироқлар ҳам, кўчаларда башанг қийинган тумонат одамлар ҳам, телевизор экранларида кўрсатилаётган рождество томошаларининг савдогарлик руҳидаги шўх қаҳқаҳаси ҳам ҳеч кимни алдай олмайди. Вьетнамдаги аёвсиз ва адолатсиз урушнинг гам-қайғуси ва ташвишхаяжони ҳамма нарсада асар қолдирган. Байрам арафаси кунларида почтальонлар «рождествони шоду хуррамлик билан ўтказинг ва янги йилингиз бахтли бўлсин» деган мазмундаги открткаларнигина тарқатганлари йўқ. Баъзи оилаларга улар ўглингиз, эрингиз, акангиз ёки укангиз бўлмиш фалончи фалон қишлоқ яқинидаги жангда «қаҳрамонларча ҳалок бўлди» деган қисқа-қисқа телеграммаларни элтиб топширдилар. Кимнингки яқин одамлари Вьетнамдаги Америка қисмларида хизмат қилаётган бўлса, шундай одамлар учун почтальоннинг башараси жуда совқ кўринадиган бўлиб қолди. Улар ҳамиша унинг йўлига мунтазир бўлиб турадилар ва хат ўрнига совқ телеграмма келтириб қолармикин, деб ҳамиша қўрқиб турадилар.

Лекин оталари, эрлари ва ўғиллари Вьетнамдаги урушда қатнашаётган икки юз минг оилагина шундай ташвиш билан яшаётгани йўқ. Уруш кенгайган сайин қариндош-уруғлари қуролли кучлар сафида бўлган миллион-миллион кишилар ҳам, фарзандлари армия ёшига етиб қолган одамлар ҳам ваҳимага тушмоқдалар. Чунки улар ҳар дамда Вьетнамга жўнатиб юборилишлари мумкин.

Илгари ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган 19 ёшдан 25 ёшгача бўлган америкаликлардан икки миллион киши бошқатдан комиссиядан ўтишлари керак, деган хабар нақ байрам арафасида матбуотда босилиб чиқди.

Кўпгина америкаликлар Вьетнамдаги урушни ўйлаб ваҳимага тушаётганлари йўқ, балки Қўшма Штатларнинг ҳарбийлари номидан ана шу мамлакатда қилинаётган ҳамма номаъқулчиликлар учун—авиация яксон қилиб ташлаётган шаҳар ва қишлоқлар, напалм бомбаси қуйдириб ташлаётган вьетнамлик гўдаклар, қийноққа солинаётган ҳарбий асирлар, ҳаробазорга айлантирилаётган Вьетнам ғуруғи учун уялиб, қаттиқ изтироб чекмоқдалар.

«Гражданлар уруши давридан (яъни 1865 йилдан) бери ҳали ҳеч качон шу қадар кўп америкаликлар АҚШ сиёсатининг адолатли бўлаётганига шубҳа билан қараган эмас эди»,—деб эътироф этди яқинда энг йирик Си-Би-Эс телевизион компаниясининг шарҳчиси Вьетнамга бағишланган эшиттиришда. Неча юз минг америкаликлар намойишларда иштирок этиш, АҚШ президентига ва конгресс вазоларига хат юбориш орқали Вьетнамдаги агрессияга қарши норозилик билдирмоқдалар ва бу агрессияга чек қўйишни талаб қилмоқдалар. Америкачик оналар юборган 75 минга бир хилдаги открытка рождество арафасида Оқ уйга топширилди. Унда урушдан қайтиб келган солдатни бағрига босиб турган аёлнинг сурати тасвирланиб, «Жаноб президент, фарзандларимиз ҳаки, ҳамма гўдаклар ҳаки—бизга Вьетнамда тинчлик беринг...» деган сўзлар босма ҳарфлар билан ёзилган.

Ниҳоят, Шарқи-Жанубий Осиёдаги урушнинг янада кенгайтирилиши ёки бу ердагиларнинг иборaси билан айтганда, «эскалация» қилиниши учинчи жаҳон урушига ва термоядро ҳалокатига олиб боради, деб миллион-миллион америкаликлар ташвиш тортмоқдалар. Сўнгги кунларда Вашингтон ва Сайгондан олинган ҳамма хабарлар эса хатарли эскалация давом этаётганлигидан далолат бериб турибди: Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасида Ханой ва Хайфонга туташ бўлган, аҳоли зич яшайдиган саноат районини ёпирилиб бомбардимон қилишга ҳамда Жанубий Вьетнамдаги шолипояларни химиявий воситалар билан мунтазам йўқ қилиб ташлашга ўтди.

Вьетнамдаги Америка қўшинларининг қўмондони яқин ойларда экспедициячи корпус сонини 400 минг кишига етказишни талаб қилди. Вашингтон келгуси молия йилида Вьетнамдаги урушни давом эттиришга қўшимча равишда 6 миллиардан тортиб 10 миллиардгача доллар сарфлашни мўлжалламоқда. Бу хабарлар АҚШ ҳукумати «тинчликка интилмоқда» деган расмий гапларга ишонмоқчи бўлиб турган кишиларнинг ҳом хаёлларини тезда пучга чиқариб юбормоқда.

Солиқлар кўпайтирилмоқчи, гражданлик эҳтиёжларига қилинадиган харажатлар камайтирилмоқчи, деган овозалар билан ахборотлар Вьетнамдаги уруш кенгайиб бораётганлиги натижасида тугилган ташвишни беш баттар кучайтириб юборди.

Лекин янги йилни шоду хуррамлик, кайфиётлик билан кутиб олаётган америкаликлар ҳам бор. Булар Вьетнамдаги урушдан катта-катта фойда кўраётган кишилардир. Ҳарбий заказлар кучайган сайин ҳарбий саноат корчалонларининг даромадлари кўпаймоқда. Нагалм ишлаб чиқарувчи компанияларнинг даромади бу йил 70-80 процент кўпайганлигини айтиш кифоя. Бу одамлар уруш тамом бўлади деган гапнинг, ҳатто ҳидидан ҳам қўркадилар ҳамда агрессияни тўхтатишни ва Америка қўшинларини Вьетнамдан олиб келишни талаб қилаётган ўз ватандошларини энг ашаддий душманлари қатори ёмон кўрадилар. Улар «тинчлик» деган сўзни, ҳатто тавротдан ҳам ўчириб ташлашга ҳайдирдилар.

Нью-Йоркдаги рождество виставкасида содир бўлган кичкинагина, лекин сермазмун бир воқеа катта бизнес аҳлининг тинчликдан қўрқишини ҳаммадан кўра яхшироқ акс эттирмоқда, дейиш мумкин. Рождестводан сал илгироқ «Интернэйшнл бизнес машинз» компаниясининг кўкўпар бинoси витриналарида «ер юзида тинчлик» темасида виставка тайёрланди. Бу—рождество вақтида қиладиган дуоларнинг асосий темасидир. Бироқ, ҳисоблаш машиналари билан бир каторда ҳарбий идора заказлари бўйича аник приборлар ишлаб чиқарувчи ака шу компаниянинг вакили виставканинг қандай характерга эга бўлишини кўриб, даргазаб бўлди. Виставка унга урушга қарши ўтказилаётган намойишларни эслатди. Дарров деразаларга пардалар тутилиб, «ноёнқорлик» руҳидаги экспонатлар экспозициядан олиб ташлганидан кейингина виставкага одамлар қўйилди. Ана шу олиб ташланган экспонатлар орасида иккита плакат ҳам бор экан. Плакатларнинг бирига папа Павел VI нинг «энди уруш бўлмасин» деган сўзлари, иккинчисига эса, АҚШнинг марҳум президенти Кеннединнинг «инсонинг энг буюк дуоси ғалаба қакида эмас, балки тинчлик ҳақидадир» деган гаплари ёзилган экан.

Л. ВЕЛИЧАНСКИЙ,
ТАССнинг Нью-Йоркдаги мухбири.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗГА!

Катта зафарлар қучган, умид-орзуларимизни шарафимизни улуғлаган, ҳар биримизга, ҳаётимизга янги бахт-саодат бахш этган, ғолибона ишлар мадҳияси қўйланган муборак 1965 йил билан хайрлашяпмиз. Ленинчи партиямизнинг доно сиёсати, илмий асосга қурилган режалари, ҳаёт нафасила балкиган чақириқлари тугалланаётган йилимизнинг мазмунини характерловчи белгилардир.

Биз янги йилимизга — коммунизмни яқинлаштираётган 1966 йилга янада кучқувватга тўлиб, камолот қучиб бормоқдамиз. Биз кишиларнинг ҳис ва туйғуларини, кураш ва меҳнатимиз ҳақидаги лавҳаларни, жамиятимизда юз бераётган воқеаларни, қамма янгиликларни, ҳак сўзларни матбуотимизнинг ўткир саҳифаларида ўқиб, билиб турибмиз. Зотан, матбуот халқники, унинг маслаҳатчиси. Матбуотда улуғ идеалларнинг сермазмун руҳи, ленинчи партиямизнинг ғоялари, коммунизм қурувчиси яратувчилик ишларининг акси, мусаффо ҳаётимизга ёт, умрини тугатган нарсаларга қарши кескин ва қатъий курашнинг акси ҳар чоқ зўр эҳтирос билан мадҳ этилаётганини яхши биламиз.

Халқнинг ўз матбуотига ишончи, ихлос-муҳаббати беҳад ошиб бораётганлигини газета ва журналлар тиражининг йил сайин тез ўсиб бораётганлигидан ҳам билиш мумкин. Биргина «Совет Узбекистони»нинг тиражи кейинги икки йил ичида 200 минг нусхадан зиёдрок ошди ва ҳозир 450 мингтага етди. Партиянинг қаламкаш ёрдамчилари, ижодий меҳнат ахиллари бўлган журналистлар газетхонларнинг бу юксак ишонч ва ҳурматларини жондан қадрлайдилар.

Матбуот меҳнаткашларнинг ижодий ҳамкорлигисиз, доимий ёрдамисиз яшай олмайди. Ижтимоий турмушнинг онгли қурувчиси, актив иштирокчиси бўлган ҳар бир курашчи ўз қалб қўрини матбуотга бахш этгандагина, ўқувчига тақдим этилган материаллар сермазмун, серзавқ, ўқимишли ва ҳаётчан бўлади. Биз шу ҳақиқатни чуқур ҳис қилган ҳолда традициямизга кўра янги йил арафасида Сизларга мурожаат қилиб, келгусида қандай ишлар қилишимиз ҳақида маслаҳатлашиб олишни зарур эҳтиёж деб биламиз. Сизларнинг маслаҳат ва мулоҳазаларингиз биз қалам соҳиблари учун ижод-илҳом чашмаси, изланишларимиз учун йўлланмадир.

«Совет Узбекистони»да ёритилаётган материалларнинг мазмуни, мундарижаси, тематикаси, уларда баҳс этилаётган фикр, воқеаларнинг йўналиши, ҳозиржавоблиги ва актуаллиги Сиз ўқувчиларимизнинг дидига, талабларига монандми? Материалларнинг ёзилиш усуллари, ижобий ёки салбий фактларнинг таҳлил этилиши ва ундан чиқарилаётган хулосалар Сизларни қониқтира оладими? Кўп киррали ранг-баранг ҳаётимизда юз бераётган воқеалар четлаб ўтилмаяптими? Саноат, қишлоқ хўжалиги, санъат, адабиётимизнинг, маданий қурилишимизнинг, партия турмуши, совет қурилиши ва бошқа соҳалардаги ишларнинг ёритилиш жараёни қандай? Ахлоқ-одоб темаларида, янги кишини тарбиялаш ҳақида, назарий, илмий ва иқтисодий масалалар юзасидан ёритилаётган мақолалар тўғрисида қандай фикрдасиз? Партиямиз Марказий Комитетининг март, сентябрь ва декабрь Пленумлари қарорларини амалга ошириш, КПСС XXIII съезди ва Узбекистон Компартияси XVII съезди олдидан қайси темаларда материаллар ёритишимиз ҳақида қандай мулоҳазаларингиз бор?

Биз партия, совет, касаба союз, комсомол органлари ходимларининг, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш командирлари ва илғорларининг, олимлар, адиблар, газетамизни ўқиётган ҳар бир кишининг, барча меҳнаткашларнинг юқоридаги ва бошқа масалалар юзасидан фикр ва маслаҳатлар беришларига муштоқмиз. Сизларнинг хатингиз — газетамизнинг катта бойлиги, сизларнинг ҳар бир қимматли маслаҳатингиз ўз газетангиз ҳақида қилаётган меҳрибонлигингизнинг ёрқин тимсоли бўлажак.

Ҳаммангизга, азиз газетхонлар, янги йилда катта муваффақиятлар, буюк яратувчилик ишларингизда кўпдан-кўп самаралар тилаймиз.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Тошкент, Самарқанд ва Сирдарё областларининг баъзи жойларида ёмғир ёғади. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм областида, Фарғона водийсида ва республиканинг қолган жойларида ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Ғарбдан секундига 5-7 метр тезликда шамол эсади. Фарғона водийсида шамолнинг тезлиги секундига 10-15 метрга етади. Ҳарорат 8-13 даража. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида ҳарорат 0,6. Бухоро областида 6-11 даражада бўлади.

Тошкентда бир оз ёмғир ёғиб ўтади, секундига 3-7 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат 10-12 даража бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РАДИО

30 ДЕКАБРДА

БИРИНЧЬ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт. 6.45 — Гимнастика. 7.35 — Эшиттиришлар программаси. 7.45 — Рақс оҳанглари. 8.25 — Концерт.

9.15 — «Совет Узбекистони», 9.23 — «Правда Востока», 9.53 — «Ленин байроғи». 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — «Дўстлик» сюитаси. 9.45 — «СССР — Тинчлик, демократия ва социализм қўрғони» (тож.). 10.30 — «Аҳил оилада». 11.10 — 1966 йил арафасида. 11.25 — Концерт. 13.00 — Чорвадорлар учун. 13.40 — Оперетталардан парчалар. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун. 16.15 — Музикали эшиттириш. 18.10 — Қўшиқлар. 18.30 — «Дўстларимиз қўшиқлари». 19.20 — Концерт (тат.). 20.00 —Мангу дўстлик (рус.). 20.15 — Қардош республикалар асарлари. 20.45 — СССР халқларининг дўстона оиласи. 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 22.00 —Янги йил—янги марралар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

30 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида 18.00: — **Ҳамма нарсани билгим келади** (киножурнал). 18.15 — **Жангчилар нуйлаганда** (ҳужжатли фильм). 18.35 — **Концерт.** 19.00 — **Ленин йўлланмаси билан** (бадиий фильм).

20.25 — **Телевизион янгиликлар** (ўзбек, рус тилларида).

20.45 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.50 — **Тошкент байрам арафасида.** 21.10 — **Ҳур республикалар бузилмас союзи** (адабий-музикали эшиттириш). 21.50 — **Айна** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/XII га эълон қилинган **Русалка** операси 16/I га кўчирилди. 31/XII да кундуз **Оққўш кўли**, кечқурун **Севилья сартароши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/XII да **Гамлет**, 31/XII да **Биринчи муҳаббат.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 1, 2, 9/I кундуз соат 1 да **Фахриддин Умаров** ва солистлар иштирокида **концертлар.** Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Юность» цирк коллективи гастроллари** ва **«Арслонлар» аттракциони.**

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1966 йил 10 январь кундуз соат 2 да, Тошкент ғўзачилик институтининг илмий совети мажлисида (2-Виборг кўчаси, 5-уй, 49-аудитория).

С. Т. Ҳамидов — техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Пахта заводларида ҳавонинг чангланганлигини аниқлашнинг рационал методини излаш» деган темада.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

1966 йил 11 январь кундуз соат 2 да, Узбекистон ССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй. Фанлар академияси президиумининг кичик конференц-залы).

З. Р. Нуриддинов — тарих фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917—1939 йиллар)» деган темада.

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

ТОШКЕНТ МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ ТЕХНИКУМИ

КУТУБХОНА БУЛИМИНИНГ

тўлиқсиз ўрта маълумотли 1—2 курс ўзбек группаларида

сиртдан ўқувчиларни

6 январдан

СЕССИЯГА ЧАҚИРАДИ.

ПОП ҚИШЛОҚ ПРОФЕССИОНАЛ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ўқувчилар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти: **экскаватор, бульдозер, скрепер, автогрейдер ва насосларда ишловчи кадрлар тайёрлайди.**

Қабул қилинганлар бепул ётоқ, уч маҳал иссиқ овқат, уст-бош ва стипендия билан таъминланади.

Ўқиш муддати — 1 ва 2 йил.

Ўқишга 16 ёшдан тортиб қабул қилинади (1966 йил 1 февралгача).

Адрес: Фарғона область, Поп район, Ўйғурсой посёлкаси.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

30, 31 декабрда, 1 ва 2 январда

автобусларнинг

Тошкент автостанцияларидан область ва республика шаҳарларига

ҚАТНАШИ

кеч соат 11 гача узайтирилди.

Фрунзе, Бухоро, Самарқандга қатнайдиган автобусларга билет олдиндан сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ОВЛАСТЬ АВТОТРЕСТИ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Тошкент шаҳри.
ИНДЕКС 64543.
№ 305. Р. 10958.